



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 17 » sentabr

№ 575

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий кўллаб-куватлаш, “Саховат” ва “Муруват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида” 2021 йил 25 мартағи ПФ-6195-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 25 мартағи ПҚ-5038-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомлар тасдиқлансан, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан “Саховат” интернат уйларини Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

“Саховат” интернат уйларининг асосий вазифалари ва функциялари, “Саховат” интернат уйларига қабул қилиш, ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида сақланаётганларни “Саховат” интернат уйларига жойлаштириш тартиби;

васийликка олинган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиши мақсадида “Саховат” интернат уйларида тиббий-психологик комиссия фаолиятини ташкил этиш, “Саховат” интернат уйлари фаолиятини ташкил этиш, “Саховат” интернат уйларини бошқариш тартиби;

б) “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

Агентлик томонидан “Мурувват” интернат уйларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

“Мурувват” интернат уйларининг асосий вазифалари ва функциялари, “Мурувват” интернат уйларига қабул қилиш, ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларида сақланаётганларни “Мурувват” интернат уйларига жойлаштириш тартиби;

васийликка олинганларга тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатиш мақсадида “Мурувват” интернат уйларида тиббий-психологик комиссия ташкил этиш, “Мурувват” интернат уйлари фаолиятини ташкил этиш, “Мурувват” интернат уйларини бошқариш тартиби;

в) “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйлари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ:

Агентлик томонидан “Мурувват” болалар интернат уйларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

“Мурувват” болалар интернат уйларининг асосий вазифалари ва функциялари, “Мурувват” болалар интернат уйларига қабул қилиш, “Мурувват” болалар интернат уйларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш тартиби;

“Мурувват” болалар интернат уйлари фаолиятини ташкил этиш, “Мурувват” болалар интернат уйларини бошқариш тартиби;

г) Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ:

Агентлик томонидан санаторийларни (республика санаторийларидан ташқари) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

санаторийларнинг асосий вазифалари ва функциялари, уларнинг ҳукуқлари ва жавобгарлиги, санаторийлар фаолиятини ташкил этиш, санаторийларни бошқариш, шунингдек санаторийлар фаолиятини молиялаштириш тартиби;

д) Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ:

Агентлик томонидан пансионатни Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

пансионатнинг асосий вазифа ва функциялари, пансионатга Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган I ва II гурухлар ногиронлиги бўлган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ уларни парвариш қилиши шарт бўлган қариндошлари ёки бошқа шахслар бўлмаган ёлғиз уруш ва меҳнат фаҳрийларини қабул қилиш тартиби;

пансионатда васийликка олингандарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш, васийликка олингандарга тиббий-ижтимоий ёрдамни амалга ошириш мақсадида пансионатда тиббий-психологик комиссия ташкил этиш, пансионат фаолиятини ташкил этиш, уни бошқариш тартиби.

2. Қўйидагилар Агентликнинг тиббий-ижтимоий муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида” 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Агентлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “17” сентябрдаги 575сон қарорига
1-илова

**“Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун
интернат уйлари тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларининг (кейинги ўринларда – “Саховат” интернат уйлари) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. “Саховат” интернат уйлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасига мувофиқ уларни парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари ёки васийлари бўлмаган ёлғиз кексалар, 18 ёшидан бошлаб I ва II грух ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз яшовчи I грух ногиронлиги бўлган кексалар (кейинги ўринларда – васийликка олинувчилар) учун тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассасалари ҳисобланади.

3. “Саховат” интернат уйлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг буйруқларига, бошқа қонунчилик хужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставларига амал қиласди.

4. “Саховат” интернат уйлари Агентлик томонидан Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда белгиланган тартибда ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

“Саховат” интернат уйлари тугатилганда Агентлик томонидан васийликка олинганларнинг белгиланган тартибда бошқа интернат уйларига ўtkазилиши таъминланади.

5. “Саховат” интернат уйларида васийликка олинганларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан назорат Агентлик ҳамда Санитария-эпидемиологик

осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

6. “Саховат” интернат уйлари уставлари Агентлик томонидан тасдиқланади.

7. “Саховат” интернат уйлари фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда – худудий бошқармалар) томонидан мувофиқлаштирилади.

8. “Саховат” интернат уйларидаги ўринлар сони Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мажбурий риоя қилган ҳолда белгиланади.

9. “Саховат” интернат уйларида даволаш-меҳнат ва фаоллаштирувчи терапияни амалга ошириш учун даволаш-ишлиб чиқариш (меҳнат) устахоналари, шунингдек, “Саховат” интернат уйлари қишлоқ жойларда жойлашган ҳолларда зарур анжомларга, асбоб-ускуналарга ва транспортга эга бўлган ёрдамчи хўжалик ташкил этилади.

10. “Саховат” интернат уйи тиббий-ижтимоий хизматлар қўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассасаси сифатида давлат хизматлари марказларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

2-боб. “Саховат” интернат уйларининг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар “Саховат” интернат уйларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат қўрсатиш, уларни соғломлаштириш ва қўллаб-куватлаш, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-ҳукуқий ҳимоясини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш;

дастлабки тиббий ёрдам қўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили икки марта тиббий кўрикдан ўтказиш, санаторийларда режали соғломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари (эшитиш аппаратлари, ногиронлар аравачалари, ҳасса ва қўлтиқтаёклар, юриш мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурларини ташкил этиш орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг юртимизда диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳларга ташрифларини ташкил этиш;

таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида маданий-маърифий тадбирларни ўtkазиш орқали ёшларни кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш.

12. “Саховат” интернат уйлари улар зиммасига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ равишда қуйидаги функцияларни бажаради:

а) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиши, уларни соғломлаштириши ва қўллаб-қувватлаши, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишилари учун қулай шарт-шароитларни яратиш соҳасида:

“Саховат” интернат уйларида васийликка олингандарнинг тиббий-ижтимоий таъминотини тўлиқ давлат томонидан амалга оширилишини таъминлайди;

васийликка олингандарга малакали мутахассислар томонидан ўз вақтида ва сифатли ижтимоий, майший ва маданий хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

васийликка олингандарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва даволанишлари учун зарур шарт-шароитларни яратади;

“Саховат” интернат уйларига биринчирилган тиббиёт муассасалари, ўрта, профессионал ва олий таълим муассасалари билан аниқ чора-тадбирлар асосида иш жараёнини ташкил этади;

б) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш соҳасида:

васийликка олингандарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф қиласи ва Агентликка тегишли таклифлар киритиб боради;

б) ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириши, уларга ўз қизиқишиларидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш соҳасида:

касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга оширади;

мунтазам илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш юзасидан Агентликка таклифлар киритади;

г) дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, соглиқни саклаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни бепул ҳар йили икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, санаторийларда режали соғломлаштириши ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиши соҳасида:

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашда муассасани биринчи тиббий ёрдам учун зарур дори воситалари ва малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлайди;

vasiylikka olinganlarни ҳар йили икки марта соғлиқни саклаш тизимидағи бириктирилган муассасалар ва олий тиббий таълим муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказади;

тиббий кўрсатмага мувофиқ белгиланган тартибда амбулатор, стационар ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш чораларини кўради;

vasiylikka olinganlarни йилига бир марта санаторийларда соғломлаштириш тадбирларини амалга оширади;

д) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари (эшиитиши аппаратлари, ногиронлар аравачалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, юриши мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаши соҳасида:

vasiylikka olinganlarни тиббий кўрсаткичлар бўйича протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлайди;

vasiylikka olinganlarни эҳтиёжга мувофиқ шахсий гигиена воситалари билан таъминлайди;

е) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориш соҳасида:

vasiylikka olinganlarga тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган янги услуб ва ижтимоий технологияларни татбиқ этади ҳамда тегишли таклифларни Агентликка киритади;

ж) маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурлари ташкил этиши орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишиларини таъминлаш соҳасида:

“Саховат” интернат уйларида мунтазам маданий-маърифий тадбирларни ўтказиб боради;

турли кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил этади ҳамда васийликка олинган шахслар иштироки орқали уларда келажакка умид, интилишларини орттириш ҳамда вақтларини сермазмун ўтказишилари учун шарт-шароит яратади;

з) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг юртимизда диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳларга ташрифларини ташкил этиши соҳасида:

“Саховат” интернат уйлари саёҳатга мўлжалланган автобусларда Туризм ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда ижрочилар маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда туроператорлар ва турагентлар билан шартнома тузган ҳолда мунтазам равища “Саховат” интернат уйларидаги кексаларнинг республикамиздаги диққатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларга ташрифларини уюштиради;

и) таълим муассасалари иштирокида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиши орқали ёшларда кексаларни эъзозлаш руҳиятини тарбиялаш соҳасида:

ёшларни “Саховат” интернат уйларида васийликка олинганлар ҳолидан хабар олиш тадбирларини ташкил этади;

таълим муассасаларида ўтказиладиган “Кексалар маърифати” соатига ташрифлар уюштириш ва бошқа кўринишдаги тадбирларни амалга оширишга шарт-шароит яратади.

13. “Саховат” интернат уйлари қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда пуллик хизматлар кўрсатиши, жумладан, кундузги қатнов ҳамда интернат тизими (ҳафтасига 6 кунгача келиш) шаклида пуллик хизмат кўрсатиши мумкин.

Бунда, кўрсатилган жами пуллик хизматларнинг 2 фоизи миқдоридаги маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади.

3-боб. “Саховат” интернат уйларига қабул қилиш

14. “Саховат” интернат уйларига Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасига мувофиқ уларни парвариш қилиши шарт бўлган қариндошлари ёки бошқа шахслар бўлмаган ёлғиз кексалар, 18 ёшидан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтоҷ, ёлғиз яшовчи I гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар қабул қилинади.

15. Қуидагилар “Саховат” интернат уйларига қабул қилишга қарши күрсатмалар ҳисобланади:

тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан қўп тутқаноқ содир бўладиган эпилепсия, мунтазам тутқаноқларга, эпилептик мақомга, кун охирига бориб бўшашувларликка, дисфорияларга мойиллик;

беморнинг ўзи ва атрофидагилар учун хавфли бўлган мойилликнинг қўпол бузилишлари ва ахлоқий дағаллик билан бирга кечадиган руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари.

“Саховат” интернат уйларига қабул қилиш чоғида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган шахслар ҳудудий даволаш- профилактика муассасаларига юборилади.

16. “Саховат” интернат уйларига юбориш, шунингдек биридан иккинчисига ўtkазиш Агентликнинг Васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга юбориш, шунингдек биридан иккинчисига ўtказиш (кўчириш) бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссияси (кейинги ўринларда – Маҳсус комиссия) қарорига мувофиқ ҳудудий бошқарма бошлиғининг буйруғи асосида амалга оширилади.

Маҳсус комиссия таркиби камида 5 нафар аъзодан, шу жумладан Маҳсус комиссия раиси ва котибидан иборат бўлади.

Маҳсус комиссия ҳудудий бошқармаларнинг васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга расмийлаштириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштириб боради.

“Саховат” интернат уйларига расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги юзасидан масъулият ҳудудий бошқарма бошликларига юкланди.

17. Ҳудудий бошқармаларда бошқарма бошлиғи буйруғи билан тиббий-ижтимоий муассасаларга васийликка олинувчиларни расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиши бўйича ишчи гурӯҳ (кейинги ўринларда – ишчи гурӯҳ) ташкил этилади.

“Саховат” интернат уйига расмийлаштирилаётган ёлғиз кексанинг, 18 ёшидан бошлаб I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахснинг ҳамда ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз яшовчи I гурӯҳ ногиронлиги бўлган кексанинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги туман (шахар) тиббий-

ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлим) бошлиғи номига берилган аризаси асосида ҳудудий бўлим васийликка олинувчилар ҳужжатларининг тўлиқлигини текшириб, уларни ҳар бир васийликка олинувчи бўйича алоҳида жилдларга жойлаштирган ҳолда ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун ичida ҳудудий бошқармаларга юборади.

Ишчи гурух камидаги 5 нафар аъзодан – ҳудудий бўлим бошлиғи раислигида, шифокор-психиатр ва маҳаллий интернат уйларининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарларидан иборат таркибда тузилади.

Ҳудудий бўлимлар томонидан қуйидаги маълумотлар “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали олинади:

“Саховат” интернат уйига расмийлаштирилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

пенсия гувоҳномаси (мавжуд бўлса);

расмийлаштирилаётган шахсга ногиронлик белгиланган тақдирда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги тиббий ҳужжатлар;

“Саховат” интернат уйига расмийлаштирилаётган шахснинг 2 дона (6 см x 4 см ҳажмли) фотосурати;

туман (шаҳар) ҳокимининг ёлғиз шахс сифатида ҳисобга олиш тўғрисидаги қарори нусхаси;

белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури.

18. “Саховат” интернат уйларига қабул қилинаётган ҳар бир шахс учун шахсий йиғмажилд юритилади, унга ушбу Низомнинг 17-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар тикиб қўйилади.

Васийликка олинганларнинг шахсий йиғмажиллари “Саховат” интернат уйи директорида сақланади.

19. Васийликка олинганларга тиббий хизмат кўрсатишни, уларни парваришилашни яхшилаш ҳамда уларнинг ижтимоий-мехнат реабилитацияси бўйича тадбирларни амалга ошириш мақсадида улар сақлаш режимига (ўрин-тўшаклар, кузатиш, сақлашнинг эркин тартиби), соғлиғи, ёши ва шахсий ҳоҳиши ҳисобга олинган ҳолда алоҳида бўлимлар ва хоналар бўйича жойлаштирилади.

4-боб. Ички ишлар органлари томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ва реабилитация қилиш марказларида сақланаётганларни “Саховат” интернат уйларига жойлаштириш тартиби

20. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация қилиш марказларида (кейинги ўринларда – реабилитация марказлари) сақланаётган, мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган шахслар ички ишлар органлари томонидан “Саховат” интернат уйларига жойлаштирилади.

“Саховат” интернат уйларига жойлаштириш учун юбориш белгиланган тартибда реабилитация маркази бошлиғининг буйруғи асосида Агентликнинг Махсус комиссияси қарорига мувофиқ амалга оширилади.

21. Реабилитация марказларидан “Саховат” интернат уйларига юборилаётганлар мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган кўрсатмалар бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади.

Тиббий кўрик реабилитация марказлари тиббиёт ходимлари ва тегишли мутахассис шифокорлар томонидан амалга оширилади. Тиббий кўрик натижалари бўйича ёзма хулоса расмийлаштирилади.

22. Реабилитация марказларида сақланаётган шахсларни “Саховат” интернат уйларига жойлаштириш учун қуидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

“Саховат” интернат уйларига жойлаштириш тўғрисида реабилитация марказида сақланаётган мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган шахсларнинг реабилитация маркази бошлиғи номига берилган аризаси;

“Саховат” интернат уйига расмийлаштирилаётганинг шахси тўғрисидаги маълумотлар;

“Саховат” интернат уйига расмийлаштирилаётганинг соғлиғи ҳолати бўйича тиббий хулоса;

рухий-асаб касалликлари, силга қарши курашиш, онкологик ҳамда тери-таносил касалликлари диспансерларининг хулосалари;

“Саховат” интернат уйига жойлаштирилаётган шахснинг 2 дона (6 см x 4 см ҳажмли) фотосурати;

“Саховат” интернат уйига расмийлаштирилаётган шахснинг ногиронлиги аниқланган тақдирда белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлик тўғрисидаги маълумотноманинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Мазкур бандда кўрсатилган барча ҳужжатлар реабилитация марказлари томонидан тўпланади.

23. Реабилитация марказларида “Саховат” интернат уйларига жойлаштирилаётган ҳар бир шахс учун икки нусхада шахсий йифмажилд

юритилади, унга ушбу Низомнинг 22-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тикиб қўйилади.

“Саховат” интернат уйлариға расмийлаштирилаётган шахсларнинг шахсий йиғмажилдларининг бир нусхаси сақлаш учун “Саховат” интернат уйи директорига белгиланган тартибда тақдим этилади.

5-боб. “Саховат” интернат уйларида васийликка олинганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

24. “Саховат” интернат уйларида васийликка олинганларнинг тиббий-ижтимоий таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

25. “Саховат” интернат уйларидаги васийликка олинганлар белгиланган тартибда қўйидагилар билан таъминланади:

инсон шаънини ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муносабатда бўлиш;

кариндошлар, танишлар ва дўстлари билан телефон орқали сўзлашувлар йўли билан алоқа боғлаш, бошқа алоқа воситалари ва учрашувлар орқали мулоқотда бўлиш, жўнатмалар, бандероллар, буюмлар, хат ва телеграммаларни олиш ва жўнатиш имконияти;

бепул овқат, кийим-кечак, пойабзal, шахсий гигиена воситалари, бошқа буюмлар ва тасдиқланган нормалар бўйича юмшоқ анжомлар билан таъминланиш;

бепул тиббий ёрдам, жумладан ихтисослашган тиббий ёрдам олиш;

интернат уйи томонидан ўтказиладиган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, шу жумладан концерт дастурларида иштирок этиш;

интернат уйлари томонидан уюштирилган республикадаги диққатга сазовор жойларга ва зиёратгоҳларга ташрифларда иштирок этиш;

карантин шароитларида қариндошлари ва дўстлари билан онлайн мулоқот қилиш имконияти;

эҳтиёж бўлганда, васийликка олинганларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан бепул таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ пенсия ва нафақаларини белгиланган тартибда олиш.

26. Васийликка олинганлар Агентлик ва унинг худудий бўлинмалари мансабдор шахсларининг, “Саховат” интернат уйлари раҳбарлари ва ходимларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоят билдириш ҳуқуқига эга.

27. Васийликка олинганларга тиббий ёрдам кўрсатиш “Саховат” интернат уйларининг штатдаги тиббий ходимлари томонидан, тиббий

кўрсатмага мувофиқ тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан таъминланади.

Васийликка олинганнинг соғлиғи ёмонлашганда ёки у вафот этганда маъмурият бу ҳақда унинг қариндошлари, танишлари ва дўстларини зудлик билан хабардор қиласди.

28. Вафот этган васийликка олинганни дағн этиш билан боғлик харажатлар “Саховат” интернат уйларининг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг, қариндошларининг ҳомийлик хайриялари ҳисобига амалга оширилади.

29. Васийликка олинганнинг “Саховат” интернат уйи худудидан ташқарига чиқиши фақат “Саховат” интернат уйи раҳбариятининг рухсати билан амалга оширилади.

Васийликка олинган ўзбошимчалик билан “Саховат” интернат уйи ташқарисига чиққан тақдирда маъмурият ушбу ҳолат қайд этилган вақтдан бошлаб зудлик билан бу ҳақда ички ишлар органларига, Агентликнинг тегишли худудий бошқармаларига хабар қиласди.

30. Васийликка олинганларнинг қариндошлари, танишлари ва дўстлари улар билан кўришиб туриш хукуқига эга.

31. Васийликка олинганларни озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал, ашёвий таъминотнинг бошқа буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш нормалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Агентлик томонидан белгиланади.

32. Худудий бошқармалар ҳар чоракда “Саховат” интернат уйларида васийликка олинганлар тўғрисидаги маълумотларни Агентлик томонидан белгиланадиган ҳисбот шаклларига мувофиқ Агентликка тақдим этадилар.

33. Васийликка олинган шахсларни “Саховат” интернат уйларидан чиқариш:

Агентликнинг тегишли худудий бошқармалари бошлиқлари рухсати билан;

тураг жой майдони, яшаш учун маблағлар ва ўз-ўзига хизмат қўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда ёки васийликка олинганни таъминлаш ва зарур даражада парваришлишга қодир бўлган қариндошларининг илтимосига кўра, шунингдек навбатдаги тиббий кўриқдан ўтказишида III гуруҳ ногиронлиги белгиланганда (мехнат бўйича тавсиялар мавжуд бўлганда) амалга оширилади.

34. “Саховат” интернат уйларидан чиқаришда васийликка олинганга қуйидаги ҳужжатлар берилади:

“Саховат” интернат уйида бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома;

соғлигининг ҳолати тўғрисидаги маълумотнома (тиббий ҳужжатлар).

35. “Саховат” интернат уйи директори васийликка олинганларни “Саховат” интернат уйлариға қабул қилиш ва улардан чиқариш учун ушбу Низом ва “Саховат” интернат уйи устави талабларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

6-боб. Ижтимоий-психологик кузатувни ташкил этиш

36. Васийликка олинганларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Саховат” интернат уйларида тиббий-психологик комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) ташкил этилади. Комиссия “Саховат” интернат уйининг мутахассис ходимларидан иборат бўлади. Комиссия таркиби “Саховат” интернат уйи директорининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия таркибига мажбурий тартибда комиссияни бошқарадиган “Саховат” интернат уйининг директори, “Саховат” интернат уйи директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари, шифокор-психиатр киради.

37. Комиссия васийликка олинганларни доимий ижтимоий-психологик кузатувини “Саховат” интернат уйи директори томонидан тасдиқланган ижтимоий-психологик кузатув дастури асосида амалга оширади.

Комиссия қўйидаги вазифаларни бажаради:

васийликка олинганларнинг тиббий абилитация ва реабилитация жараёнларини кузатиш ва зарур коррекцион ишларни ташкил этиш;

васийликка олинганларнинг ижтимоий ҳамда психологик мослашувчанлигини ўрганиш ва тегишли тавсиялар бериш;

комиссия васийликка олинганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ташхис, психологик-профилактик, коррекция, маслаҳат ва реабилитация ишларини амалга ошириш;

тиббий-ижтимоий-психологик муаммоларни аниқлаш;

ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини амалга ошириш.

7-боб. “Саховат” интернат уйлари фаолиятини ташкил этиш

38. “Саховат” интернат уйларига ишга қабул қилиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Тиббий хизмат кўрсатиш “Саховат” интернат уйларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади, улар (маъмурият билан бир қаторда) васийликка олинганларнинг соғлиғи, овқатланиш режими ва сифати, даволаш-профилактика тадбирларининг ўтказилиши ҳамда

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши учун жавоб берадилар. “Саховат” интернат уйларида даволаш-маслаҳат ёрдами ва ўтказилган даволаш-профилактика тадбирларини таҳлил қилиш тегишли Агентликнинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

40. “Саховат” интернат уйлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш-реконструкция ишлари, тиббий-ижтимоий хизмат ҳамда психологик таъминот Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бу ишларни амалга оширишда “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари фаолиятини қўллаб қувватлаш республика васийлик кенгаши (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) Агентликка услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

41. “Саховат” интернат уйларининг маъмурияти “Саховат” интернат уйлари мутахассис ходимларининг касбий маҳорати доимий такомиллаштириб борилиши учун жавоб беради.

42. “Саховат” интернат уйларининг ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Саховат” интернат уйини бошқаришда ушбу Низомда белгиланган тартибда қатнашиш;

касб шаънини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимидағи тегишли муассасаларда бепул тиббий кўрикдан ўтиш;

тиббиёт ходимлари – Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи таълим муассасалари ва тиббиёт марказларида бепул малака ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга эга бўлиш.

43. “Саховат” интернат уйларининг ходимлари қуйидагиларга мажбур: ушбу Низом нормаларига ва ички меҳнат тартиб-қоидаларига, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишга;

vasiylikka olinganlariga tibbiy-ijtimoий ёрдамнинг, ijtimoий-psychologik va tibbiy kuzatib borişning yuqori samaradorligini taъminlaш;

ўз касб малакасини мунтазам ошириб бориш.

44. “Саховат” интернат уйлари ходимлари ва раҳбарларининг лавозим мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Низом, шунингдек “Саховат” интернат уйлари уставлари билан белгиланади.

8-боб. “Саховат” интернат уйларини бошқариш

45. “Саховат” интернат уйларини бошқариш демократия, ошкоралик ва “Саховат” интернат уйи жамоасининг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

46. “Саховат” интернат уйига бевосита раҳбарликни олий маълумотга эга бўлган директор амалга оширади. Директорни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги тавсиясига кўра “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари фаолиятини кўллаб қувватлаш республика васийлик кенгаши билан келишган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

47. Директор “Саховат” интернат уйида тиббий-ижтимоий ёрдам ҳамда миший хизматнинг аҳволи учун тўлиқ жавоб беради.

48. “Саховат” интернат уйи директори:

“Саховат” интернат уйи номидан иш қўради ва унинг манфаатларини ифодалайди;

“Саховат” интернат уйи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи ва ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

қонунчилик ҳужжатларида ва “Саховат” интернат уйи уставида белгиланган тартибда “Саховат” интернат уйи мол-мулкини тасарруф этади ва шартномалар тузади;

директор ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида “Саховат” интернат уйининг барча ходимлари ва шу интернат уйда яшаётган васийликка олинганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

тегишли органларга кўриб чиқиш учун “Саховат” интернат уйининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишини такомиллаштириш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва “Саховат” интернат уйи фаолиятининг бошқа масалалари бўйича тегишли органларга таклифлар киритади ҳамда ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

тегишли буйруқ чиқариш ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар йўли билан рағбатлантириш ва интизомий танбеҳ бериш чораларини кўллайди;

мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилган “Саховат” интернат уйининг белгиланган вазифа ва функцияларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

49. “Саховат” интернат уйларининг маъмурияти “Саховат” интернат уйларида яшайдиган васийликка олингандар томонидан жамоатчилик асосида ҳамда “Саховат” интернат уйи томонидан тасдиқланадиган амалдаги низомлар асосида фаолият юритадиган маданий-маиший комиссия, жамоатчилик кенгаши ёрдамида қуидаги майший ва маданий хизматлар кўрсатишни ташкил этади:

белгиланган тартибда туроператорлар ва турагентлар билан шартнома тузган ҳолда мунтазам равиша “Саховат” интернат уйларидаги кексаларнинг республикамиздаги дикқатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларга ташрифларини уюштириш;

умумий ўрта таълим мактаблари юқори синф ўқувчилари, олий ва профессионал таълим муассасаларининг талабалари ва ёшларнинг бириктирилган тиббий-ижтимоий муассасаларда “икки авлод” учрашувларини ташкил этиш, улар билан турли маданий-маърифий тадбирларни ўtkазиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, таълим муассасаларида ўtkaziladigan “кексалар маърифати” соатига таклиф қилиш;

“Саховат” интернат уйларида концерт дастурлари, маънавий-маърифий, маданий тадбирлар йил давомида ўtkazib борилиши юзасидан тасдиқланган режа-жадвал асосида ташкил этиш;

“Саховат” интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун кутубхона фаолиятини ташкил этиш ва уни зарур ресурслар билан бойитиб бориш;

vasiylikka olingan shaxslarning “Саховат” internat uyi faoliyatidan norozib boulgan taqdirda hamda internat uyiida 3 martadan ortiq ichki tarhib koidalariiga riоя etmasdan, qolgan yashovchilar tinchligini buzish xolatlari ni yuzaga keltingan shahslar bуйича “Саховат” internat uyi mashiyy-madaniy komissiya xulosasigaacosan ularni boşqa “Саховат” internat uygiga ўtkazish юzasidan taklif kiritishi.

50. “Саховат” интернат уйларида васийликка олингандарни таъминлашнинг, қуидагиларни назарда тутувчи маҳсус шарт-шароит таъминланади:

худудни ҳимоя қилиш;

vasiylikka olinganlarni ham bir-birlarinining, ham atrofdagilarning salbiy taъsiridan yuqori daражада ҳимоя қилиш;

унинг худудидан ташқарига эркин чиқишни чеклаш;

vasiylikka olinganlarni sutka давомида, шу жумладан ухлаш учун ажратилган вактда ham назорат қилиш.

9-боб. Молия-хўжалик фаолияти

51. “Саховат” интернат уйларининг хоналарини жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш техника хавфсизлиги қоидаларига ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга оширилади.

52. “Саховат” интернат уйлари фаолиятини молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ажратиладиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

53. “Саховат” интернат уйлари белгиланган тартибда ташкилот томонидан тасдиқланган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

54. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

55. Штатлар жадвали Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда қабул белгиланадиган намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади.

56 “Саховат” интернат уйлари қонунчилик хужжатларида белгиланган молия ва статистика ҳисботларини юритади.

57. “Саховат” интернат уйларининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш белгиланган тартибда молия органлари томонидан амалга оширилади.

10-боб. Якунловчи қоида

58. “Саховат” интернат уйларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “17” сентябрдаги 575сон қарорига
2-илова

**“Муруват” ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат
уйлари тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) “Муруват” ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларини (кейинги ўринларда – “Муруват” интернат уйлари) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. “Муруват” интернат уйлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 18 ёшидан бошлаб I ва II гуруҳлар ногиронлиги бўлган шахслари (кейинги ўринларда – васийликка олинувчилар) учун тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассасалари ҳисобланади.

3. “Муруват” интернат уйлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг бўйруқларига, бошқа қонунчилик хужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставларига амал қиласди.

4. “Муруват” интернат уйлари Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда белгиланган тартибда ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

5. “Муруват” интернат уйлари тугатилганда Агентлик томонидан васийликка олинганларнинг белгиланган тартибда бошқа “Муруват” интернат уйларига ўтказилиши таъминланади.

6. “Муруват” интернат уйларида васийликка олинганларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан назорат Агентлик ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

7. “Муруват” интернат уйлари уставлари Агентлик томонидан тасдиқланади.

8. “Муруват” интернат уйлари фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда-худудий бошқармалар) томонидан мувофиқлаштирилади.

9. “Муруват” интернат уйларидаги ўринлар сони Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мажбурий риоя этган ҳолда белгиланади.

10. “Муруват” интернат уйларида даволаш-меҳнат ва фаоллаштирувчи терапияни амалга ошириш учун даволаш-ишлаб чиқариш (меҳнат) устахоналари, шунингдек, “Муруват” интернат уйлари қишлоқ жойларда жойлашган ҳолларда зарур анжомларга, асбоб-ускуналарга ва транспортга эга бўлган ёрдамчи хўжалик ташкил этилади.

11. “Муруват” интернат уйлари тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассаса сифатида давлат хизматлари марказларида рўйхатдан ўtkазилади.

2-боб. “Муруват” интернат уйларининг асосий вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар “Муруват” интернат уйларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат қўрсатиш, уларни соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий химоя қилинишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишлидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш;

дастлабки тиббий ёрдам қўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили икки марта тиббий кўрикдан ўтказиш, соғломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари (эшитиш аппаратлари, ногиронлар аравачалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, юриш мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларга қўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурларини ташкил этиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш.

13. “Мурувват” интернат уйлари уларга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажарадилар:

а) ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиши, уларни согломлаштириши ва қўллаб-қувватлаши, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишилари учун қулай шарт-шароитларни яратиш соҳасида:

“Мурувват” интернат уйларида васийликка олинганларнинг тиббий-ижтимоий таъминотини тўлиқ давлат томонидан амалга оширилишини таъминлайди;

васийликка олинганларга малакали мутахассислар томонидан ўз вақтида ва сифатли ижтимоий, майший ва маданий хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

васийликка олинганларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва даволанишлари учун зарур шарт-шароитларни яратади;

бириктирилган тиббиёт муассасалари, ўрта, профессионал ва олий таълим муассасалари билан аниқ чора-тадбирлар асосида иш жараёнини ташкил этади;

б) ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаши соҳасида:

васийликка олинганларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари хуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуqlари тўғрисидаги қонунчилик хужжатларининг ижросини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф қиласида ва Агентликка тегишли таклифлар киритиб боради;

в) ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириши, уларга ўз қизиқишиларидан келиб чиқиб, касб-хунар ўргатиш соҳасида:

касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга оширади;

мунтазам илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш юзасидан Агентликка таклифлар киритади;

г) дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиши, соглиқни сақлаши тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларни бепул ҳар йили икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, режсали согломлаштириши ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиши соҳасида:

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашда муассасани биринчи тиббий ёрдам учун зарур дори воситалари ва малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлайди;

vasiylikka olinganlarни ҳар йили икки марта соғлиқни сақлаш тизимидағи бириктирилган муассасалар ва олий тиббий таълим муассасаларининг малакали мутахassisларини жалб қилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказади;

тиббий кўрсатмага мувофиқ белгиланган тартибда амбулатор, стационар ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш чораларини кўради;

д) ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари (эшитиши аппаратлари, ногиронлар аравачалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, юриши мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш соҳасида:

vasiylikka olinganlarни тиббий кўрсаткичлар бўйича протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлайди;

vasiylikka olinganlarни эҳтиёжга мувофиқ шахсий гигиена воситалари билан таъминлайди;

е) ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориши соҳасида:

vasiylikka olinganlarga тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган янги услугуб ва ижтимоий технологияларни татбиқ этади ва Агентликка тегишли таклифлар киритади;

ж) маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурлари ташкил этиши орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш соҳасида:

“Мурувват” интернат уйларида мунтазам маданий-маърифий тадбирларни ўтказиб боради;

турли кўрик-танловлар ва кўргазмалар ташкил этади ҳамда вasiylikka олинган шахслар иштироки натижасида келажакка умид, интилишларини ортириш ҳамда вақтларини сермазмун ўтишига шарт-шароит яратади.

14. “Мурувват” интернат уйлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда пуллик хизматлар кўрсатиш, жумладан, кундузги қатнов ҳамда интернат тизими (ҳафтасига 6 кунгача келиш) шаклида пуллик хизмат кўрсатиши мумкин.

З-боб. “Муруват” интернат уйларига қабул қилиш

15. “Муруват” интернат уйларига Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, рухиятида сезиларли ёки анча сезиларли нүқсонлар бор бўлган, 18 ёшидан бошлаб I ва II гурухлар ногиронлиги бўлган шахслар қабул қилинади.

16. “Муруват” интернат уйларига куйидаги ташхислар билан васийликка олинганлар қабул қилинади:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик;
оғир даражадаги ақлий заифлик;
чукур даражадаги ақлий заифлик;
қолдиқ шизофрения;
деменция.

17. Куйидагилар “Муруват” интернат уйларига қабул қилишга қарши кўрсатмалар ҳисобланади:

тез-тез, ҳар ойда 5 мартаңдан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, номозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик;

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва ҳулкий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;
юқумли тери ва соч касалликлари;
ўткир юқумли касалликлар;
салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;
таносил касалликлари.

“Муруват” интернат уйларига қабул қилиш чоғида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган шахслар худудий даволаш профилактика муассасаларига юборилади.

18. Қабул қилиш бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

“Муруват” интернат уйлари эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ташкил этилади. Эркаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида интернат уйлар ташкил этишнинг иложи бўлмаган ҳолларда эркаклар ва аёлларни битта интернат уйда, лекин алоҳида корпусларда жойлаштиришга йўл қўйилади.

19. “Муруват” интернат уйларига юбориш, шунингдек биридан иккинчисига ўтказиш Агентликнинг Васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга юбориш, шунингдек биридан иккинчисига ўтказиш

(кўчириш) бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссияси (кейинги ўринларда – Маҳсус комиссия) қарорига мувофиқ худудий бошқарма бошлиғининг буйруғи асосида амалга оширилади.

Маҳсус комиссия таркиби камидаги 5 нафар аъзодан, шу жумладан Маҳсус комиссия раиси ва котибидан иборат бўлади.

Маҳсус комиссия худудий бошқармаларнинг васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга расмийлаштириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштириб боради.

“Мурувват” интернат уйларига расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг хаққонийлиги юзасидан масъулият худудий бошқарма бошлиқларига юкландади.

20. Ҳудудий бошқармаларда бошқарма бошлиғи буйруғи билан тиббий-ижтимоий муассасаларга васийликка олинувчиларни расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш бўйича ишчи гурӯҳ (кейинги ўринларда – ишчи гурӯҳ) ташкил этилади.

Ота-онанинг, фарзандликка олувчининг, васийлик ва ҳомийлик бўйича давлат органи вакили томонидан тайинланган васий ёки ҳомийнинг васийликка олинаётганни “Мурувват” интернат уйига расмийлаштириш учун доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлим) бошлиғи номига мурожаати аризаси асосида ҳудудий бўлим васийликка олинувчилар ҳужжатларининг тўлиқлигини текшириб, уларни ҳар бир васийликка олинувчи бўйича алоҳида жилдларга жойлаштирган ҳолда ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун ичida ҳудудий бошқармаларга юборади.

Ишчи гурӯҳ камидаги 5 нафар аъзодан – ҳудудий бўлим бошлиғи раислигида, шифокор-психиатр ва маҳаллий интернат уйларининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарларидан иборат таркибда тузилади.

Ҳудудий бўлимлар томонидан қуидаги маълумотлар “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали олинади:

“Мурувват” интернат уйига расмийлаштирилаётганнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

васийликка олинаётган шахсни “Мурувват” интернат уйига расмийлаштириш тўғрисида ариза бераётган ота-она, фарзандликка олувчи, васий ёки ҳомий шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

пенсия гувохномаси (мавжуж бўлса);

руҳий касаллик билан диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслигини тасдиқловчи ҳужжат;

белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлик түғрисидаги маълумотнома;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда соғлиқнинг ҳолати түғрисидаги тиббий хужжатлар;

“Муруват” интернат уйига расмийлаштирилаётган шахснинг 2 дона (6 см x 4 см ҳажмли) фотосурати;

белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури.

21. “Муруват” интернат уйларига қабул қилинаётган ҳар бир шахс учун шахсий йифмажилд юритилади, унга ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатиб ўтилган хужжатлар тикиб қўйилади.

Васийликка олингандарнинг шахсий йифмажиллари “Муруват” интернат уйи директорида сақланади.

22. Васийликка олингандарга тиббий хизмат кўрсатишни, уларни парваришлишни яхшилаш ҳамда уларнинг ижтимоий меҳнат реабилитацияси бўйича тадбирларни амалга ошириш мақсадида улар сақлаш режимига (ўрин-тўшаклар, кузатиш, сақлашнинг эркин тартиби), соғлиғи, ёши ва шахсий ҳоҳишига мувофиқ ҳолда алоҳида бўлимлар ва хоналар бўйича жойлаштирилади.

4-боб. Ички ишлар органлари томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ва реабилитация қилиш марказларида сақланаётганларни “Муруват” интернат уйларига жойлаштириш тартиби

23. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация қилиш марказларида (кейинги ўринларда – реабилитация марказлари) сақланаётган, мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган шахслар ички ишлар органлари томонидан “Муруват” интернат уйларига жойлаштирилади.

“Муруват” интернат уйларига жойлаштириш учун юбориш белгиланган тартибда реабилитация маркази бошлигининг буйруғи асосида Агентликнинг Васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга юбориш, шунингдек биридан иккинчисига ўтказиш (кўчириш) бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссияси қарорига мувофиқ амалга оширилади.

24. Реабилитация марказларидан “Муруват” интернат уйларига юборилаётганлар мазкур Низомнинг 17-бандида кўрсатилган кўрсатмалар бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади.

Тиббий кўрик реабилитация марказлари тиббиёт ходимлари ва тегишли мутахассис шифокорлар томонидан амалга оширилади. Тиббий кўрик натижалари бўйича ёзма хулоса расмийлаштирилади.

25. Реабилитация марказларида сақланаётган шахсларни “Муруват” интернат уйларига жойлаштириш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилди:

“Муруват” интернат уйига расмийлаштирилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

“Муруват” интернат уйига расмийлаштирилаётган шахснинг соғлиги ҳолати бўйича тиббий хулоса;

рухий-асаб касалликлари, силга қарши қурашиб, онкологик ҳамда тери-таносил касалликлари диспансерларининг хулосалари;

“Муруват” интернат уйига жойлаштирилаётган шахснинг 2 дона (6 см x 4 см ҳажмли) фотосурати;

белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома.

Мазкур бандда кўрсатилган барча ҳужжатлар реабилитация марказлари томонидан тўпланади.

26. Реабилитация марказларида “Муруват” интернат уйларига жойлаштирилаётган ҳар бир шахс учун икки нусхада шахсий йигмажилд юритилади, унга ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тикиб қўйилади.

“Муруват” интернат уйларига расмийлаштирилаётган шахсларнинг шахсий йигмажиллари бир нусхаси сақлаш учун “Муруват” интернат уйи директорига белгиланган тартибда тақдим этилади.

5-боб. “Муруват” интернат уйларида васийликка олинганларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

27. “Муруват” интернат уйларида васийликка олинганларнинг тиббий-ижтимоий таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

28. “Муруват” интернат уйларидаги васийликка олинганлар белгиланган тартибда қўйидагилар билан таъминланади:

инсон шаънини ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муносабатда бўлиш;

қариндошлар, танишлар ва дўстлари билан телефон орқали сўзлашувлар йўли билан алоқа боғлаш, бошқа алоқа воситалари ва учрашувлар орқали мулоқотда бўлиш, жўнатмалар, бандероллар, буюмлар, хат ва телеграммаларни олиш ва жўнатиш;

бепул овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа буюмлар ва тасдиқланган нормалар бўйича юмшоқ анжомлар билан таъминланиш;

бепул тиббий ёрдам, жумладан ихтисослашган тиббий ёрдам олиш;

интернат уйи томонидан ўтказиладиган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, шу жумладан концерт дастурларида иштирок этиш;

карантин шароитларида яқинлари билан онлайн мулоқот қилиш;

эҳтиёж бўлганда, васийликка олингандарни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан бепул таъминлаш.

29. Васийликка олингандар Агентлик ва унинг худудий бўлинмалари мансабдор шахсларининг, “Муруват” интернат уйлари раҳбарлари ва ходимларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоят билдириш ҳукуқига эга.

30. Васийликка олингандарга тиббий ёрдам кўрсатиш “Муруват” интернат уйларининг штатдаги тиббий ходимлари томонидан, тиббий кўрсатмага мувофиқ тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан таъминланади.

Васийликка олингандарниң соғлиғи ёмонлашганда ёки у вафот этганда маъмурият бу ҳақда унинг қариндошлари, танишлари ва дўстларини зудлик билан хабардор қиласди.

31. Вафот этган васийликка олингандарни дағн этиш билан боғлиқ харажатлар “Муруват” интернат уйларининг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг, қариндошларининг ҳомийлик хайриялари ҳисобига амалга оширилади.

32. Васийликка олингандарни “Муруват” интернат уйи худудидан ташқарига чиқиши факат “Муруват” интернат уйи раҳбариятининг рухсати билан амалга оширилади.

Васийликка олингандарни ўзбошимчалик билан “Муруват” интернат уйи ташқарисига чиқсан тақдирда маъмурият ушбу ҳолат қайд этилган вақтдан бошлаб зудлик билан бу ҳақда ички ишлар органларига, Агентликнинг худудий бошқармаларига хабар қиласди.

33. Васийликка олингандарни “Муруват” интернат уйларидан вақтинчалик кетишига, врачнинг кетиши мумкинлиги тўғрисидаги холосасини ҳисобга олган ҳолда, кўпи билан 1 ой муддатга рухсат берилиши мумкин. Бунинг учун директорнинг розилиги билан, қариндошлари ва бошқа шахсларнинг ёзма мажбурияти мавжуд бўлиши керак.

34. Васийликка олингандарни озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал, ашёвий таъминотнинг бошқа буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш нормалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Агентлик томонидан белгиланади.

35. Қариндошлар васийликка олинганлар билан бирор-бир чекланишсиз, лекин бошқа васийликка олинганларга заарар етказмасдан кўришиб туриш, шунингдек “Мурувват” интернат уйларининг тиббий-ижтимоий фаолияти, васийликка олинганнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясининг бориши билан танишиш хуқуқига эга.

36. “Мурувват” интернат уйларида яшовчи васийликка олинганлар маъмурият рухсати билан ўзларига тегишли буюмлардан фойдаланишлари мумкин.

37. Ҳудудий бошқармалар ҳар чоракда “Мурувват” интернат уйларида васийликка олинганлар тўғрисидаги маълумотларни Агентлик томонидан белгиланадиган ҳисобот шаклларига мувофиқ Агентликка тақдим этадилар.

38. Васийликка олинганни “Мурувват” интернат уйларидан чиқариш:
Агентлик ҳудудий бошқармаси бошлиқларининг рухсати билан;

турар жой майдони, яшаш учун маблағлар ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда шахснинг шахсий аризасига биноан ёки васийликка олинганни таъминлаш ва зарур даражада парваришлишга қодир бўлган қариндошларининг илтимосига кўра, шунингдек, навбатдаги тиббий кўрикдан ўтказишка III гурух ногиронлиги белгиланганда (мехнат бўйича тавсиялар мавжуд бўлганда) амалга оширилади.

39. “Мурувват” интернат уйларидан чиқаришда васийликка олинганга қўйидаги хужжатлар берилади:

“Мурувват” интернат уйида бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома;
соғлигининг ҳолати тўғрисидаги маълумотнома (тиббий хужжатлар);
ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури.

40. “Мурувват” интернат уйидан кетишка васийликка олинганларга мавсум бўйича уларга бириқтирилган кийим-бош, ички кийимлар, пойафзаллар берилади, шунингдек унинг “Мурувват” интернат уйида сақланаётган шахсий буюмлари қайташиб берилади.

41. “Мурувват” интернат уйи директори васийликка олинганларни “Мурувват” интернат уйларига қабул қилиш ва улардан чиқариш учун ушбу Низом ва “Мурувват” интернат уйи устави талабларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

6-боб. Ижтимоий-психологик кузатувни ташкил этиш

42. Ва сийликка олинганларга тиббий-ижтимоий ёрдамни қўрсатиш мақсадида “Мурувват” интернат уйларида тиббий-психологик комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) ташкил этилади. Комиссия “Мурувват” интернат уйининг мутахассис ходимларидан иборат бўлади. Комиссия

таркиби “Муруват” интернат уйи директорининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия таркибига мажбурий тартибда комиссияни бошқарадиган “Муруват” интернат уйининг директори, “Муруват” интернат уйи директорининг даволаш ишлари бўйича ўринbosарлари, шифокор - психиатр киради.

43. Комиссия васийликка олингандарни доимий ижтимоий-психологик кузатувини “Муруват” интернат уйи директори томонидан тасдиқланган ижтимоий-психологик кузатув дастури асосида амалга оширади.

Комиссияси қўйидаги вазифаларни бажаради:

васийликка олингандарнинг тиббий абилитация ва реабилитация жараёнларини кузатиш ва зарур коррекцион ишларни ташкил этиш;

васийликка олингандарнинг ижтимоий ҳамда психологик мослашувчанлигини ўрганиш ва тегишли тавсиялар бериш;

комиссия васийликка олингандарнинг хуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

тиббиси, психологик-профилактик, коррекция, маслаҳат ва реабилитация ишларини амалга ошириш;

васийликка олингандарнинг ота-онаси (қариндошлари) ёки уларнинг ўрнини босувчилар билан маслаҳат ва реабилитация ишларини бажариш;

тиббий-ижтимоий-психологик муаммоларни аниқлаш;

ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини амалга ошириш.

7-боб. “Муруват” интернат уйлари фаолиятини ташкил этиш

44. Ходимларни ишга қабул қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

45. Тиббий хизмат кўрсатиш “Муруват” интернат уйларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади, улар (маъмурият билан бир қаторда) васийликка олингандарнинг соғлиғи, овқатланиш режими ва сифати, даволаш-профилактика тадбирларининг ўтказилиши ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши учун жавоб берадилар. “Муруват” интернат уйларида даволаш-маслаҳат ёрдами ва ўтказилган даволаш-профилактика тадбирларини таҳлил қилиш тегишли Агентлик билан келишган ҳолда Санитария-Эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

“Муруват” интернат уйларида яшовчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлик кўрсаткичларини алоҳида дастур асосида мунтазам равишида баҳолаб бориш, уларни ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт

марказларига бириктириш, бепул даволаш ва соғломлаштириш йўли билан тиббий ёрдам амалга оширилади.

46. “Мурувват” интернат уйлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, курилиш-реконструкция ишлари, тиббий-ижтимоий хизмат ҳамда психологик таъминот Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бу ишларни амалга оширишда “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари фаолиятини қўллаб қувватлаш республика васийлик кенгаши (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) Агентликка услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

47. “Мурувват” интернат уйларининг маъмурияти “Мурувват” интернат уйлари мутахассис ходимларининг касбий маҳорати доимий такомиллаштириб борилиши учун жавоб беради.

48. “Мурувват” интернат уйларининг ходимлари қуйидаги ҳукуқларга эга:

“Мурувват” интернат уйини бошқаришда мазкур Низомда белгиланган тартибда қатнашиш;

касб шаънини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимидағи тегишли муассасаларда бепул тиббий кўрикдан ўтиш;

тиббиёт ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи таълим муассасалари ва тиббиёт марказларида бепул малака ошириш;

конунчилик хужжатларида белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга эга бўлиш.

49. “Мурувват” интернат уйларининг ходимлари қуйидагиларга мажбур:

мазкур Низом нормаларига ва ички меҳнат тартиб - қоидаларига, касбий ахлоқ – одоб қоидаларига қатъий амал қилиш;

васийликка олинганларга тиббий-ижтимоий ёрдамнинг, ижтимоий-психологик ва тиббий кузатиб боришнинг юқори самарадорлигини таъминлаш;

ўз касб малакасини мунтазам ошириб бориш.

50. “Мурувват” интернат уйлари ходимлари ва раҳбарларининг лавозим мажбуриятлари қонунчилик хужжатлари, ушбу Низом, шунингдек “Мурувват” интернат уйлари уставлари билан белгиланади.

8-боб. “Мурувват” интернат уйларини бошқариш

51. “Мурувват” интернат уйларини бошқариш демократия, ошкоралик тамойиллари бўйича ва “Мурувват” интернат уйи жамоасининг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

52. “Мурувват” интернат уйига бевосита раҳбарликни олий маълумотга эга бўлган директор амалга оширади. Директорни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги тавсиясига кўра “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари фаолиятини қўллаб кувватлаш Республика васийлик кенгashi билан келишган ҳолда қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

53. “Директор “Мурувват” интернат уйида тиббий-ижтимоий ёрдам ҳамда майший хизматнинг аҳволи учун тўлиқ жавоб беради.

54. “Мурувват” интернат уйи директори:

“Мурувват” интернат уйи номидан иш кўради ва унинг манфаатларини ифодалайди;

“Мурувват” интернат уйи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қиласи ва ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

қонунчилик хужжатларида ва “Мурувват” интернат уйи уставида белгиланган тартибда “Мурувват” интернат уйи мол-мулкини тасарруф этади ва шартномалар тузади;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида “Мурувват” интернат уйининг барча ходимлари ва васийликка олинганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

тегишли органларга кўриб чиқиш учун “Мурувват” интернат уйининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишини такомиллаштириш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва “Мурувват” интернат уйи фаолиятининг бошқа масалалари бўйича таклифлар киритади ҳамда ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

тегишли буйруқ чиқариш ва қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар йўли билан рағбатлантириш ва интизомий танбеҳ бериш чораларини амалга оширади;

мазкур Низомнинг 13-бандидаги “Мурувват” интернат уйининг белгиланган вазифа ва функцияларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

55. “Мурувват” интернат уйларида васийликка олинганларни таъминлашнинг маҳсус шарт-шароитлари таъминланади, улар қўйидагиларни назарда тутади:

худудни ҳимоя қилиш;

vasийликка олинганларни ҳам бир-бирларининг, ҳам атрофдагиларнинг салбий таъсиридан юқори даражада ҳимоя қилиш;

унинг ҳудудидан ташқарига эркин чиқиши чеклаш;
васийликка олингандарни сутка давомида, шу жумладан ухлаш учун ажратилган вақтда ҳам назорат қилиш.

9-боб. Молия-хўжалик фаолияти

56. “Мурувват” интернат уйларининг хоналари техника хавфсизлиги қоидаларига ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозланади ва улардан фойдаланилади.

57. “Мурувват” интернат уйлари фаолиятини молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ажратиладиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

58. “Мурувват” интернат уйлари белгиланган тартибда ташкилот томонидан тасдиқланган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўtkазилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

59. Штатлар жадвали Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда қабул белгиланадиган намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади.

60. “Мурувват” интернат уйлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган молия ва статистика ҳисботларини юритади.

61. “Мурувват” интернат уйларининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш белгиланган тартибда молия органлари томонидан амалга оширилади.

10-боб. Якунловчи қоида

62. “Мурувват” интернат уйларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “Г7” сентябрдаги 575 сон қарорига
3-илова

**“Муруват” ногиронлиги бўлган болалар учун
интернат уйлари тўғрисида**
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) “Муруват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйларининг (кейинги ўринларда – “Муруват” болалар интернат уйлари) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. “Муруват” болалар интернат уйлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 4 ёшдан 18 ёшгacha ногиронлиги бўлган болалар (кейинги ўринларда – васийликка олинувчилар) учун тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассасалари ҳисобланади.

3. “Муруват” болалар интернат уйлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг буйрукларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставларига амал қиласди.

4. “Муруват” болалар интернат уйлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишган ҳолда Агентлик томонидан белгиланган тартибда ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

“Муруват” болалар интернат уйлари тугатилганда васийликка олинганларнинг Агентлик томонидан белгиланган тартибда бошқа “Муруват” болалар интернат уйларига ўтказилиши таъминланади.

5. “Муруват” болалар интернат уйларида васийликка олинганларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан назорат Агентлик ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

6. “Муруват” болалар интернат уйлари уставлари Агентлик томонидан тасдиқланади.

7. “Муруват” болалар интернат уйлари фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда – худудий бошқармалар) томонидан мувофиқлаштирилади.

8. “Муруват” болалар интернат уйларидағи ўринлар сони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашы, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклери билан келишилгандардан, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари мажбурий ҳисобга олинган ҳолда, Агентлик томонидан белгиланади.

9. “Муруват” болалар интернат уйлари тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассасаси сифатида давлат хизматлари марказларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

2-боб. “Муруват” болалар интернат уйларининг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар “Муруват” болалар интернат уйларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш;

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг юкори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда ногиронлиги бўлган болаларни бепул ҳар йили икки марта тиббий кўрикдан ўтказиш, соғломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиш;

ногиронлиги бўлган болаларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари (эшитиш аппаратлари, ногиронлиги бўлган шахслар аравачалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, юриш мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурларини ташкил этиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш.

11. “Муруват” болалар интернат уйлари уларга юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажарадилар:

а) ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат кўрсатиши, уларни согломлаштириши ва қўллаб-қувватлаши, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишилари учун қулай шарт-шароитларни яратиши соҳасида:

vasiylikka olingan bolalarnga ijtimoij xizmat kўrsatiishi takomillashтиради, tarbia-taъlim iшларининг замонавий шакллари va metodlarini жорий этади;

vasiylikka olingan bolalarning rivожланишида ijtimoij dinamikasida ўзгаришлар бўлган tarbияланувчиларни ўқитиша интеграцион ёндашувларни қўллаш misoliда жамиятга интеграция қилиш hamda уларни тадбиркорлик субъектларининг iштирокида бўш vaqtlarini mazmunli ўtkaziшlariда innovatsion alternativ modellarni iшlab chikadi.

“Muруvvat” bolalar internat uйlariда vasiylikka olinganlarning tiбbий-ижтимоий taъminotini tўliq давлат томонидан amalga oshiriliшини taъminlайди;

vasiylikka olingan bolalarnga malakali mutaxassislar томонидан ўз vaqtida va sifatli ijtimoij, maiшиj va madаниj xizmat kўrsatiлишини taъminlайди;

vasiylikka olingan bolalarnga salomatligini mustaъкамлаш va davolaniшlari учун зарур shart-sharoitlar яратади;

oilalarda яшайдиган, ruхий бузилиши намоён ёки сезиларли намоён bўлган ногиронлиги бўлган bolalarnga kunduzgi parvariш қилиш guruhлariда комплекс tiбbий-ижтимоий ёрдам kўrsatiш va улар учун ўкув-tarbia жараёнини ташкил этади;

internat uйida biriktiirlgan tiбbiёт muassasalari, ўrta, maxsus, профессионал va olij taъlim muassasalari билан aniq chora-tadbirlar асосида iш жараёнини ташкил этади;

б) ногиронлиги бўлган болаларning ijtimoij-хукуқий ҳимоя қилинишини taъminlaш соҳасида:

vasiylikka olinganlarning xукуқ va konunij manfaatlariни ҳимоя қилинишини taъminlайди;

ногиронлиги бўлган bolalarning xукуklari tўgrisidagi konunchilik xujжатlarinинг ijro etiliшини taъminlaш соҳадаги muammolarni ўз vaqtida bartaraф қiladi va tegishli takliflarni Agentlikka kiritiб boradi;

в) ногиронлиги бўлган болаларни ijtimoij mosлаштириши, уларга ўз қизиқишиларidan keliib чиқиб kасб-хунар ўргатиши соҳасида:

kasbий va ijtimoij reabilitация қилиш учун зарур shart-sharoitlarни яратиб, takomillashтиришга йўналтирилган tадбирlarни amalga oshiradi;

muнtазам ilgor horijjий tажribalarni жорий этиш юзасидан Agentlikka takliflar kiritadi;

г) дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, соглиқни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда ногиронлиги бўлган болаларни бепул ҳар йили икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, режали согломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиши соҳасида:

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашда муассасани биринчи тиббий ёрдам учун зарур дори воситалари ва малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлайди;

vasiylikka олинганларни ҳар йили икки марта биректирилган соглиқни сақлаш тизимидағи муассасалар ва олий тиббий таълим муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказади;

тиббий кўрсатмага мувофиқ бепул амбулатор, стационар ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш чораларини кўради;

д) ногиронлиги бўлган болаларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари (эшитиши аппаратлари, ногиронлиги бўлган шахслар аравачалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, юриши мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаши соҳасида:

vasiylikka олинганларни тиббий кўрсаткичлар бўйича протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлайди;

vasiylikka олинганларни эҳтиёжга мувофиқ шахсий гигиена воситалари билан таъминлайди;

е) ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориш соҳасида:

vasiylikka олинганларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни ривожлантиришга оид дастурлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

vasiylikka олинганларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган янги услугуб ва ижтимоий технологияларни татбиқ этади ҳамда тегишли таклифларни Агентликка киритади;

ж) маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурлари, ташкил этиши орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишиларини таъминлаши соҳасида:

“Мурувват” болалар интернат уйларида мунтазам маданий-маърифий тадбирларни ташкил қиласида;

турли кўрик-танловлар ва кўргазмалар ташкил этади ҳамда вasiylikka олинган болалар иштироки натижасида келажакка умид, интилишларини орттириш ҳамда вақтларини сермазмун ўтишига шарт-шароит яратади.

12. “Мурувват” болалар интернат уйларида қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда пуллик хизматлар кўрсатиш, жумладан, кундузги қатнов ҳамда интернат тизими (ҳафтасига 6 кунгача келиш) шаклида пуллик хизмат кўрсатиши мумкин.

3-боб. “Мурувват” болалар интернат уйларига қабул қилиш

13. “Мурувват” болалар интернат уйлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, руҳиятида сезиларли ёки анча сезиларли нуқсонлар бор бўлган, 4 ёшдан 18 ёшгacha ногиронлиги бўлган болалар қуидаги ташҳислар билан қабул қилинади:

мўътадил даражадаги ақлий заифлик;

оғир даражадаги ақлий заифлик;

чукур даражадаги ақлий заифлик;

болаларни ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга қабул қилишга тўсқинлик қилувчи гемипарез, парапарез ва тетрапарез асоратлари бўлган мўътадил даражадаги ақлий заиф болалар церебрал фалажлиги;

интеллектнинг қўпол бузилишига олиб келган болалар шизофренияси;

деменция.

Қабул қилиш бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

14. Қуидагилар “Мурувват” болалар интернат уйларига қабул қилишга қарши кўрсатмалар ҳисобланади:

тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ хуружлари содир бўладиган эпилепсия, серияли тутқаноқ хуружларига, эпилептик статусга, номозшомсимон онг хиралашиш ҳолатларига, дисфорияларга мойиллик;

беморнинг ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлган қўпол ва хулқий бузилишлар сабаб бўладиган руҳий касалликлар;

улар билан касалланганда болани умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш мумкин бўлган ҳар қандай руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари.

“Муруват” болалар интернат уйлариға қабул қилиш чоғида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган шахслар худудий даволаш профилактика муассасалариға юборилади.

15. “Муруват” болалар интернат уйлариға юбориш, шунингдек, биридан иккинчисига ўтказиш Агентликнинг Васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга юбориш, шунингдек биридан иккинчисига ўтказиш (кўчириш) бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссияси (кейинги ўринларда – Маҳсус комиссия) қарорига мувофиқ худудий бошқарма бошлиғининг буйруғи асосида амалга оширилади.

Маҳсус комиссия таркиби камида 5 нафар аъзодан, шу жумладан Маҳсус комиссия раиси ва котибидан иборат бўлади.

Маҳсус комиссия худудий бошқармаларнинг васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга расмийлаштириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштириб боради.

“Муруват” интернат уйлариға расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг хаққонийлиги юзасидан масъулият худудий бошқарма бошлиқларига юкланди.

16. Худудий бошқармаларда бошқарма бошлиғи буйруғи билан тиббий-ижтимоий муассасаларга васийликка олинувчиларни расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш бўйича ишчи гурух (кейинги ўринларда – ишчи гурух) ташкил этилади.

Ота-онанинг, фарзандликка олувчининг, васийлик ва ҳомийлик бўйича ваколатли давлат органи томонидан тайинланган васий ёки ҳомийнинг васийликка олинаётганни “Муруват” болалар интернат уйига расмийлаштириш учун доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими (кейинги ўринларда – худудий бўлим) бошлиғи номига аризаси, кундузги парваришилаш гуруҳига “Муруват” болалар интернат уйи директори номига аризаси асосида худудий бўлим васийликка олинувчилар ҳужжатларининг тўлиқлигини текшириб, уларни ҳар бир васийликка олинувчи бўйича алоҳида жилдларга жойлаштирган ҳолда ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун ичida худудий бошқармаларга юборади.

Ишчи гурух камида 5 нафар аъзодан – худудий бўлим бошлиғи раислигига, шифокор-психиатр ва маҳаллий интернат уйларининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарларидан иборат таркибда тузилади.

Худудий бўлимлар томонидан қуйидаги маълумотлар “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали олинади:

“Муруват” болалар интернат уйига расмийлаштирилаётган шахснинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (16 ёшдан катта шахслар учун шахсини тасдиқловчи ҳужжат);

vasiylikka olinayetgann "Muuruvvat" bolalar internat uygaga rasmiylashтириш түғрисида ариза бeraётган ота-она, farzandlikka oluvchi, vasiy ёки ҳомий шахсини tasdiqlovchi xujjat;

пенсия гувохномаси (мавжуд бўлса);

ruhij kosalliklar bўyicha dispanser xisobida turiши ёки turmasligini tasdiqlovchi xujjat;

belgilangan tarbiда tibbий-ижтимоий ekspert komissияси томонидан berilgan ногиронлик түғрисидаги maъlumotnomasi;

rўyhати Ўзбекистон Respublikasi Sofliqni saqlash vazirligi томонидан tasdiqlanadigan sofliqning xolati tүғrisidagi tibbий xujjatlar;

"Muuruvvat" bolalar internat uygaga rasmiylashтирилаётган шахсинг 2 dona (6 cm x 4 cm ҳажмли) fotosurati;

ruhij-asab kosalliklari dispanseri tibbий-maslaҳat komissияsi xulosasi;

halq taъlimi organlari xuzuridagi tibbий-psixologik-pedagogik komissия xulosasi;

belgilangan tarbiда tibbий-ижтимоий ekspert komissияси томонидан berilgan ногиронligi bўlgan shaxsn reabilitasiya қилиshning yakka tarbiдаги dasturi.

17. Ногиронligi bўlgan bolalarni ногиронligi bўlgan bolalar учун kундузги parvariшlaш gуruхiga қабул қилишда ота-onalap (vasiylar ёки ҳomийlar, farzandlikka oluvchilar) va "Muuruvvat" bolalar internat uyi direktori ўrtasida begaraz shartnomasi tuziladi, unda tomonlarning huкуқ va mажбуриятлари кўrsatiladi.

Шартномада қуидagilar belgilanadi:

кўrsatiladigan tibbий-ижтимоий xizmatlar rўyhатi;

"Muuruvvat" bolalar internat uylari mutahassislarini томонидан kундузги parvariшlaш gуruхи negizida ўtkaziladigan tadbirlar;

ota-onalap, farzandlikka oluvchilar, vasiylar ёки ҳomийlar томонидан uй sharoitlariда ўtkaziladigan tadbirlar.

18. "Muuruvvat" bolalar internat uylariga юborilaётган etim bolalar va ot-a-ona қarovisiz қолgan bolalar учун mazkur Nizom 16-bandida kўrsatilgan xujjatlaridan tashqari, қuидagi xujjatlar ham takdim этилади:

tuman (shaҳar) ҳokiminining ҳomийlikni belgilash tүғrisidagi қarori nusxasasi;

ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар тўғрисидаги маълумотлар (ота-онаси шахсини тасдиқловчи хужжатининг ёки уларнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, суднинг ҳукмлари ёки қарорлари, ота-онасининг узоқ давом этган касаллиги тўғрисидаги маълумотнома ва ота-онасининг йўқлигини ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялашга имконият йўқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

vasiylikka olingannинг ота-onasidan keyin kolgan mol-mulkinning (agar bor bolса) ruyxati, ruyxatda uning qaerdaлиgi, uni saqlash учун кўрилган чора-тадбирлар ва uning saqlаниши учун жавоб beradigan shaxslar тўғрисидаги маълумотлар;

vasiylikka olingangga biriktiirlgan uy-joy mайдони тўғрисидаги ҳужжатлар (ордер, uy daftari, uy-joy режаси нусхаси, туман (шаҳар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг uy-joy эгаси ва uning xususiylashтирилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

vasiylikka olingannинг foidasiga alimentlar undiriш тўғрисидаги суд қарорининг нусхаси, agar bor bolса – omonat daftarchasi.

19. “Мурувват” болалар интернат уйларидаги vasiylikka olinganlar уларнинг жинси, жисмоний ҳолати, ақлий заифлик даражаси ҳамда ёши ҳисобга олинган ҳолда, қуидаги гуруҳларга бўлинади:

ётадиганлар гуруҳлари (ёши ва жинсидан қатъи назар, ҳаракатланиш функцияси кучли бузилган, ўзгалар парваришига муҳтож болалар);

эмакловчилар гуруҳлари (ёши ва жинсидан қатъи назар, ҳаракатланиш функцияси чекланган, ўзгалар парваришига муҳтож болалар);

аралаш гуруҳлар – 10 ёшгача бўлган болалар;

10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар учун алоҳида-алоҳида гуруҳлар.

Гуруҳлардагилар сони 5, 6 нафардан бўлиши керак.

20. Бундан ташқари, “Мурувват” болалар интернат уйларидаги барча vasiylikka olinganlar, mehnat kўnikmalarinи эгаллаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг интеллектуал ривожланишига мувофиқ равишда тарбиялаш гуруҳларига бўлинади.

Мехнатга ўргатиладиган болалар гуруҳига қуидагилар киради:

мехнатга ўргатишга тайёрлаш гурухи;

мехнатга ўргатиш гурухи.

Мехнатга ўргатиш гуруҳларидаги болалар сони 5 ёки 6 кишидан бўлиши керак.

21. Якка тартибдаги дастур бўйича гурухлардаги васийликка олинганларни ҳар бир боланинг имконияти ва эҳтиёжларига қараб белгилаш фақат халқ таълими органлари хузуридаги тиббий-психологик-педагогик комиссия хulosаси асосида амалга оширилади.

4-боб. “Мурувват” болалар интернат уйларида васийликка олинганларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

22. “Мурувват” болалар интернат уйларида васийликка олинганларни тиббий-ижтимоий таъминлаш, тарбиялаш, ўқитиш, меҳнат кўнималарига ўргатиш тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Кундузги парваришлаш гуруҳига қабул қилинган ногиронлиги бўлган болалар тўлиқ давлат таъминотида бўлмайди, шу сабабли уларга тайинланган пенсия ва нафақалар тўлиқ ҳажмда тўланади.

23. “Мурувват” болалар интернат уйларидаги васийликка олинганлар белгиланган тартибда қуидагилар билан таъминланади:

инсон шаънини ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муносабатда бўлиш;

қариндошлар, танишлар ва дўстлари билан телефон орқали сўзлашувлар йўли билан алоқа боғлаш, бошқа алоқа воситалари ва учрашувлар орқали мулоқотда бўлиш, жўнатмалар, бандероллар, буюмлар, хат ва телеграммаларни олиш ва жўнатиш;

бепул овқат, кийим-кечак, пойабзal, бошқа буюмлар ва тасдиқланган нормалар бўйича юмшоқ анжомлар билан;

эҳтиёж бўлганда бепул протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминланадилар.

24. Ногиронлиги бўлган болаларни кундузги парваришлаш ҳафтасига беш марта (душанба-жума кунлари) соат 9 дан 17 гача амалга оширилади.

Васийликка олинганларнинг кундузги парвариша гуруҳида бўлиши “Мурувват” болалар интернат уйи директори томонидан тасдиқланадиган ички тартиб-қоидалар билан тартибга солинади.

25. Васийликка олинганлар ота-оналари, васийлар ёки ҳомийлар Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларининг, “Мурувват” болалар интернат уйлари раҳбарлари ва ходимларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоят билдириш хукуқига эга.

26. Тарбияланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш “Мурувват” болалар интернат уйларининг штатдаги тиббий ходимлари томонидан, тиббий кўрсатмага мувофиқ тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан таъминланади.

Васийликка олинганинг соғлиғи ёки у вафот этганда маъмурият бу ҳақда унинг ота-онасини ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларни, васийларини, қариндошларини, улар бўлмаганда эса васийликка олинганинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини зудлик билан хабардор қилади.

Ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар вафот этган тақдирда васийликка олингандар физиологик имкониятларига ва соғлигининг ҳолатига мувофиқ, уларни дағн этишда қатнашиш, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар оғир касалланганда эса уларни бориб қўриш ҳуқуқига эга. Йўл харажатлари “Мурувват” болалар интернат уйлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

27. Вафот этган васийликка олингани дағн этиш билан боғлиқ харажатлар “Мурувват” болалар интернат уйларининг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг, қариндошларининг ҳомийлик хайриялари ҳисобига амалга оширилади.

28. Васийликка олинганинг “Мурувват” болалар интернат уйи худудидан ташқарига чиқиши фақат директорнинг рухсати билан, ходимларнинг ёки ота-онанинг ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ҳамроҳлигига амалга оширилади.

Васийликка олинган ўзбошимчалик билан “Мурувват” болалар интернат уйлари ташқарисига чиққан тақдирда маъмурият зудлик билан бу ҳақда унинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, васийликка олинганинг яшаш ва борадиган жойидаги ички ишлар органларига, Агентликнинг худудий бошқармаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига хабар қилади ҳамда биргаликда уни топиш ва қайтариб олиб келиш чора-тадбирларини қўради.

29. Васийликка олингандарнинг “Мурувват” болалар интернат уйларидан вақтинчалик кетишига, врачнинг кетиши мумкинлиги тўғрисидаги хulosасини ҳисобга олган ҳолда, кўпи билан 1 ой муддатга рухсат берилиши мумкин. Бунинг учун директорнинг розилиги билан, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, қариндошлари ёхуд бошқа шахсларнинг ёзма мажбурияти мавжуд бўлиши керак.

30. Васийликка олингандарни озиқ - овқат, кийим-бош, пойабзал ва ашёвий таъминотнинг бошқа буюмлари ҳамда юмшоқ анжомлар билан таъминлаш нормалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Агентлик томонидан белгиланади.

Кундузги парваришлаш гуруҳидаги ногиронлиги бўлган болалар “Мурувват” болалар интернат уйлари учун овқатланиш нормаларига мувофиқ уч марта овқатлантириш билан таъминланадилар.

31. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар васийликка олинганлар билан бирор-бир чеклашларсиз кўришиб туриш, “Муруват” болалар интернат уйларининг тиббий-ижтимоий фаолияти, фарзандларининг тиббий-ижтимоий реабилитациясининг бориши билан танишиш ҳукуқига эга.

32. Худудий бошқармалар ҳар чоракда “Муруват” болалар интернат уйларининг васийликка олинганлари ва кундузги парваришлар гурухидаги ногиронлиги бўлган болалари тўғрисидаги маълумотларни Агентлик томонидан белгиланадиган ҳисобот шаклларига мувофиқ Агентликка тақдим этадилар.

33. Васийликка олинган 18 ёшга тўлганда Агентлик томонидан белгиланган тартибда бўш жой мавжуд бўлган катталар “Муруват” интернат уйига ўтказилади.

Меҳнат кўникмаларини эгаллаган васийликка олинганлар тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг ногиронликнинг III гурухини белгилаш тўғрисидаги хулосаси асосида (меҳнат тавсиялари мавжуд бўлган тақдирда) ота-онаси (васийлари) ҳузурида доимий яшаш учун рўйхатдан чиқарилади, етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар эса қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда уй-жойлар билан таъминланадилар.

34. “Муруват” болалар интернат уйларидан чиқаришда васийликка олинганларга қуйидаги хужжатлар берилади:

“Муруват” болалар интернат уйида бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома;

соғлигининг ҳолати тўғрисидаги маълумотнома (тиббий хужжатлар);

бокувчисини йўқотганлик пенсияси ёки ногиронлиги бўлган болага (болалар уйларида тарбияланаётган болалардан ташқари) ижтимоий нафақа тўлаш тўғрисидаги гувоҳнома – мавжуд бўлганда;

халқ таълими органлари ҳузуридаги тиббий-психологик-педагогик комиссия хулосаси;

ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури.

“Муруват” болалар интернат уйларининг васийликка олинганларини рўйхатдан чиқаришда (мавжуд бўлса) унинг мол-мулкка, пул маблағларига (илгари у ёки унинг ота-онаси эгаллаган) уй-жой майдонига ҳукуқини тасдиқловчи хужжатлар, пенсия ва омонат дафтарчаси ҳамда бошқа хужжатлар ҳам берилади.

Бундан ташқари, васийликка олинганларга 2 тўплам ички кийимлар, кийим-бош ва пойабзal берилади.

35. “Мурувват” болалар интернат уйи директори васийликка олинганларни “Мурувват” болалар интернат уйларига қабул қилиш ва улардан чиқариш учун ушбу Низом ва “Мурувват” болалар интернат уйи устави талабларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

5-боб. “Мурувват” болалар интернат уйларидаги тарбия-таълим жараёнини ташкил этиши

36. Васийликка олинганларни таъминлаш, тарбиялаш ва ўқитиш тартиби уларнинг индивидуал хусусиятлари, ёши, жинси, руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Маиший шарт-шароитлар реабилитация жараёнига кўмаклашиши, васийликка олингандаги эмоционал зўриқишини йўқотиш учун шароитлар яратиши керак.

37. Васийликка олинганларни ўқитишнинг маҳсус дастури бўйича ҳаётий кўникмаларга ўргатиш “Мурувват” болалар интернат уйи тарбиячилари томонидан, зарурат бўлганда эса, ихтисослаштирилган таълим муассасалари, шунингдек соғлиқни сақлаш, маданият, спорт муассасалари ва бошқа ташкилотлар педагогларини жалб этган ҳолда амалга оширилади.

38. Таълимнинг ҳар бир босқичида ўқитиш ёши ва давомийлиги тиббий-психологик-педагогик комиссия томонидан белгиланади. Ҳар бир босқичдаги ўқитишнинг давомийлиги тўғрисидаги қарор “Мурувват” болалар интернат уйларининг тиббий-психологик-педагогик комиссияси томонидан қабул қилинади.

39. Васийликка олинганларнинг таълимтарбия жараёни якка тартибдаги маҳсус дастурлар бўйича, уларнинг ривожланишидаги нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

40. Тиббий-педагогик асослаш билан таъминланган кун тартиб-қоидалари таълим, меҳнат, ҳордиқ ва турли тадбирларни уйғунлаштирган ҳолда амалга оширилади, ногиронлиги бўлган болалар ҳаёт фаолиятини чеклаш даражасини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Васийликка олинганларнинг меҳнат тарбияси ўқитишни меҳнат кўникмаларига эга бўлиш билан уйғунлаштириш асосида ушбу “Мурувват” болалар интернат уйининг тиббий-реабилитация комиссияси томонидан тузилган ногиронлиги бўлган болани ривожлантириш ва реабилитация қилиш якка тартибдаги дастурига мувофиқ, тиббий кўрсаткичлар ва педагогик тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилияtlарини ривожлантириш мақсадида амалга оширилади.

6-боб. Ижтимоий-психологик ва педагогик кузатувни ташкил этиш

41. Васийликка олингандарга тиббий-ижтимоий ва психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш мақсадида “Мурувват” болалар интернат уйларида тиббий-психологик-педагогик комиссия (кейинги ўринларда –комиссия) ташкил этилади.

42. Комиссия “Мурувват” болалар интернат уйининг мутахассис ходимларидан иборат бўлади. Комиссия таркиби “Мурувват” болалар интернат уйи директорининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия таркибига комиссия ишига бошчилик қиласидан “Мурувват” болалар интернат уйининг директори, “Мурувват” болалар интернат уйи директорининг даволаш ишлари бўйича ва ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари, шифокор-психиатр, шифокор-педиатр киради.

Комиссия қўйидаги вазифаларни бажаради:

васийликка олингандарни доимий ижтимоий-психологик кузатувини интернат уйи директори томонидан тасдиқланган ижтимоий-психологик кузатув дастури асосида амалга оширади;

васийликка олингандарнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласади;

ташхис, психологик-профилактик, коррекция, маслаҳат ва реабилитация ишларини амалга оширади;

“Мурувват” болалар интернат уйининг тарбиячилари, педагоглари, маъмурияти ва бошқа ходимлари билан психологик-профилактика, маслаҳат, таълим (семинарлар, тренинглар) ишларини олиб боради;

васийликка олингандарнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар билан маслаҳат ва реабилитация ишларини бажаради.

43. Комиссия аъзолари:

васийликка олингандарнинг “Мурувват” болалар интернат уйидаги ҳаётга мослашиш учун зарур бўладиган имкониятларини аниглаш ва ривожлантириш чораларини кўради;

васийликка олингандарнинг имкониятларини ривожлантиришнинг тиббий-ижтимоий ва психологик-педагогик муаммоларини ташхислайди;

васийликка олингандарнинг имкониятларини ривожлантириш ва реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури амалга оширилишини таъминлади.

7-боб. “Мурувват” болалар интернат уйлари фаолиятини ташкил этиш

44. “Мурувват” болалар интернат уйларига ишга қабул қилиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

45. “Мурувват” болалар интернат уйлари ҳузурида тасдиқланган ётөк ўринлари фонди доирасидаги бүш ўринлар ҳисобига ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парваришлиш гурухлари ташкил этилиши мумкин.

46 “Мурувват” болалар интернат уйларида бўш ўринлар мавжудлиги тўғрисидаги ахборот “Мурувват” болалар интернат уйларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек уларнинг маъмурий биносида кўринарли жойлардаги стендларда эълон жойлаштириш йўли билан манфаатдор шахслар, шу жумладан ота-оналар, фарзандликка олувчи, ҳомий ёки васийлар эътиборига етказилади.

47. Тиббий хизмат кўрсатиш “Мурувват” болалар интернат уйларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади, улар (маъмурият билан бир қаторда) индивидуал ёндашув асосида васийликка олингандарнинг соғлиғи, жисмоний ривожланиши, овқатланиш режими ва сифати, даволаш-профилактика тадбирларининг ўtkазилиши ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши учун жавоб берадилар.

“Мурувват” болалар интернат уйларида даволаш-маслаҳат ёрдами ва ўтказилган даволаш-профилактика тадбирларини таҳлил қилиш тегишли Агентлик билан келишган ҳолда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

48. “Мурувват” болалар интернат уйлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш-реконструкция ишлари, тиббий-ижтимоий хизмат ҳамда психологик таъминот Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бу ишларни амалга оширишда “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари фаолиятини қўллаб қувватлаш республика васийлик кенгаши (кейинги ўринларда – Власийлик кенгаши) Агентликка услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

49. “Мурувват” болалар интернат уйларининг ходимлари қуидагиларга мажбур:

ушбу Низом нормаларига ва ички меҳнат тартиб-қоидаларига, касбий ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий амал қилиш;

vasiylikka olinqanlararga tibbий-ижтимоий ёrdamning, ijtimoий-psixologik va tibbий kuzatib borişning yuqori samaradorligini taъminlash;

ўз касб малакасини мунтазам ошириб бориши.

50. “Мурувват” болалар интернат уйларининг маъмурияти “Мурувват” болалар интернат уйлари мутахассис ходимларининг касбий маҳорати доимий тақомиллаштириб борилиши учун жавоб беради.

51. “Мурувват” болалар интернат уйларининг ходимлари қўйидаги хуқуқларга эга:

“Мурувват” интернат уйларини бошқаришда ушбу Низомда белгиланган тартибда қатнашиш;

касб шаънини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимидағи тегишли муассасаларда бепул тиббий кўрикдан ўтиш;

тиббиёт ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи таълим муассасалари ва тиббиёт марказларида бепул малака ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга эга бўлиш.

52. “Мурувват” болалар интернат уйлари ходимлари ва раҳбарларининг лавозим мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Низом, шунингдек “Мурувват” болалар интернат уйи устави билан белгиланади.

8-боб. “Мурувват” болалар интернат уйларини бошқариш

53. “Мурувват” болалар интернат уйларини бошқариш демократия, ошкоралик ва “Мурувват” болалар интернат уйи жамоасининг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари бўйича асосида амалга оширилади.

54. “Мурувват” болалар интернат уйига бевосита раҳбарликни олий маълумотга эга бўлган директор амалга оширади. Директорни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни тавсиясига кўра “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари фаолиятини қўллаб кувватлаш республика васийлик кенгаши билан келишган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

55. Директор “Мурувват” болалар интернат уйида тиббий-ижтимоий ёрдам қўрсатишнинг аҳволи учун тўлиқ жавоб беради.

56. “Мурувват” болалар интернат уйи директори:

“Мурувват” болалар интернат уйи номидан фаолият қўрсатади ва унинг манфаатларини ифодалайди;

“Мурувват” болалар интернат уйи ваколатига кирадиган масалалар бўйича карорлар қабул қиласи ва ўз зиммасига юклangan вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

қонунчилик хужжатларида ва “Мурувват” болалар интернат уйи уставида белгиланган тартибда “Мурувват” болалар интернат уйи мол-мулкини тасарруф этади ва шартномалар тузади;

ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида “Мурувват” болалар интернат уйининг барча ходимлари ва васийликка олингандарни учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқарди ва кўрсатмалар беради;

тегишли органларга кўриб чиқиш учун “Мурувват” болалар интернат уйининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиши, тарбия ва таълим ишларини такомиллаштириш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва “Мурувват” болалар интернат уйи фаолиятининг бошқа масалалари бўйича таклифлар киритади ҳамда ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

тегишли буйруқ чиқариш ва қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар йўли билан рағбатлантириш ва интизомий танбех бериш чораларини амалга оширади.

57. “Мурувват” болалар интернат уйларида васийликка олингандарни таъминлашнинг маҳсус шарт-шароитлари таъминланади, улар қуидагиларни назарда тутади:

худудни ҳимоя қилиш;

vasийликка олингандарни ҳам бир-бирларининг, ҳам атрофдагиларнинг салбий таъсиридан юқори даражада ҳимоя қилиш;

интернат уйи худудидан ташқарига эркин чиқиши чеклаш;

vasийликка олингандарни сутка давомида, шу жумладан ухлаш учун ажратилган вақтда ҳам назорат қилиш.

9-боб. Молия-хўжалик фаолияти

58. “Мурувват” болалар интернат уйларининг хоналари техника хавфсизлиги қоидаларига ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозланади ва улардан фойдаланилади.

59. “Мурувват” болалар интернат уйлари фаолиятини молиялаштириш Қорақалпогистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ажратиладиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

60. “Мурувват” болалар интернат уйлари белгиланган тартибда ташкилот томонидан тасдиқланган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

61. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

62. Штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Агентлик томонидан белгиланадиган намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади.

63. “Мурувват” болалар интернат уйлари қонунчилик хужжатларида белгиланган молия ва статистика ҳисоботларини юритади.

64. “Мурувват” болалар интернат уйларининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

10-боб. Якунловчи қоида

65. “Мурувват” болалар уйларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “17” сентябрдаги575-сон қарорига
4-илова

**Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари
учун санаторийлар тўғрисида**
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларининг (кейинги ўринларда – санаторийлар) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Санаторийлар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийларини (кейинги ўринларда – дам олувчилар) соғломлаштириш ва уларнинг дам олиши учун мўлжалланган давлат муассасалари ҳисобланади.

3. Санаторийлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг буйруқларига, бошқа қонунчилик хужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставларига амал қиласилар.

4. Санаторийлар, республика аҳамиятидаги санаторийлардан ташқари, Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда белгиланган тартибда ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Республика санаторийлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этилади, қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

Санаторийларнинг, шу жумладан республика санаторийларининг уставлари Агентлик томонидан тасдиқланади.

5. Санаторийлар фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда – худудий бошқармалар) томонидан мувофиқлаштирилади.

6. Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексаларни бепул санаторий-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7. Санаторийлар давлат тиббий-ижтимоий муассасаси сифатида Давлат хизматлари марказларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

2-боб. Санаторийларнинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Куйидагилар санаторийларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

даволаш-реабилитация хизматлари кўрсатишга замонавий ёндашувларни жорий этиш ва уларнинг халқаро даражасини таъминлаш йўли билан тиббиёт фани ва амалиётининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда дам оловчиларни тўлақонли санаторий-курорт шароитида даволаш, соғломлаштириш ва уларнинг дам олишини ташкил этиш;

дам оловчиларни соғломлаштиришда табиий даволаш омилларидан энг юқори даражада фойдаланиш;

санаторий фаолиятини ташкил этиш доирасида бозор механизмларини кўллаш;

дам оловчиларга кўрсатиладиган санаторий-курорт хизматлари рўйхатини кенгайтириш;

моддий ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, дам оловчилар учун энг юқори даражада соғломлаштирувчи натижани таъминлаш имконини берадиган санаторийлар фаолият кўрсатиши даражасига эришиш.

9. Санаторийлар уларга юклangan вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажарадилар:

a) даволаш-реабилитация хизматлари кўрсатишга замонавий ёндашувларни жорий этиши ва уларнинг халқаро даражасини таъминлаш йўли билан тиббиёт фани ва амалиётининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда дам оловчиларни тўлақонли санаторий-курорт шароитда даволаш, соғломлаштириш ва уларнинг дам олишини ташкил этиши соҳасида:

дам оловчиларни шинам, яшаш учун қулай турли тоифалардаги хоналарга жойлаштиришни ташкил этади;

дам оловчиларнинг ўз соғлиғи ҳолатидан хабардорлигини, касалликлар юзага келиши таваккалчилиги омиллари мавжудлигини, уларни бартараф этиш усулларини ва организмнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тикловчи тиббиётнинг замонавий даволаш технологияларига асосланадиган касалликлар профилактикасини амалга ошириш учун шарт-

шароитларни таъминлайди, дам олувчилар учун ўзини ўзи назорат қилиш усуллари бўйича ўқиш ташкил этади;

дам олувчиларга замонавий тиббиёт аппаратлари, асбоб-ускуналар ва анжомлар билан жиҳозланган даволаш, диагностика, физиотерапевтик, муолажа хоналари ва бошқа хоналари хизматларини тақдим этади;

соғлиқни тузатишнинг комплекс автоматлаштирилган усуллари негизида замонавий тикловчи тиббиёт технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

б) дам олувчиларни согломлаштиришида табиий даволаи омилларидан энг юқори даражада фойдаланиши соҳасида:

дам олувчиларни оқилона ва мувозанатли овқат билан таъминлайди, дам олувчиларнинг тиббий кўрсаткичлар бўйича парҳезли овқатланишини ташкил этади;

жисмоний тарбия ва спорт билан физиологик асосланган машғулот олиб бориш, дам олувчиларда жисмоний юкламага мойиллик ва мослашиш даражасини босқичма-босқич ошириш учун шарт-шароитлар яратади, мақбул ҳаракатланиш фаоллиги қўникмаларини сингдиради;

зарарли одатлардан воз кечиши ҳамда бехатар хулқ-атвор ҳақидаги билимлар, қўникмалар ва андозалар шакллантирилишини тақозо этадиган муҳит, соғлом турмуш тарзининг руҳий доминантлари яратилишини таъминлайди;

в) санаторий фаолиятини ташкил этишининг бозор механизмларини қўллаши соҳасида:

киши соғлом турмуш тарзига риоя қилганда организмнинг функционал резервлари кўрсаткичлари динамикасини акс эттириш мақсадида дам олувчининг соғлиғи “паспорти”ни шакллантириш ва юритишни ташкил этади;

дам олувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилишга, уларни эстетик камолга етказишига йўналтирилган турли маданий-кўнгилочар тадбирлар тизимини ишлаб чиқади;

мусиқий, раксли, кўнгилочар дастурлар ўтказилишини, томоша тадбирларига боришни, Ўзбекистон Республикасидаги тарихий обьектларга ва бошқа обьектларга экскурсияларни ташкил этади;

г) дам олувчиларга кўрсатиладиган санаторий-курорт хизматлари рўйхатини кенгайтиши соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига ўзгартиришлар киритади, санаторийлар шароитида соғломлаштириш бўйича тадбирлар турлари, шакллари, муддатлари ва ҳажмини белгилайди;

дам олувчилар орасида касалланиш ҳолати ва сабабларини ўрганади, даволаш-профилактика муассасалари билан биргаликда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар касалликлари профилактикаси ва уларни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишида қатнашади, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда соғлиқни сақлаш органларига соғломлаштириш ва касалликлар профилактикасининг долзарб масалалари бўйича ахборот тақдим этади;

режали асосда санитария-эпидемияга қарши тадбирларни ўтказади;

даволаш-профилактика муассасалари, тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари билан биргаликда семинарлар, конференциялар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этади ва ўтказади;

д) моддий ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиши, дам олувчилар учун энг юқори даражада согломлаштирувчи натижсанни таъминлаши имконини берадиган санаторийлар фаолият кўрсатиши даражасига эришиши соҳасида:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ва сметада назарда тутилган маблағлар доирасида хўжалик фаолиятини, санаторийларнинг капитал қўйилмалари бўйича жорий сарфлар ва харажатларни амалга оширади;

бинолар, иншоотлар, муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини, асбоб-ускуналар ва анжомларга эга бўлган бошқа обьектларни жорий сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашни, шунингдек ходимлар томонидан санитария-гигиена талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини, бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишини ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳисботнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

дам олувчилар ва санаторийларга келувчиларга телефон алоқаси хизматлари, майший хизматлар кўрсатади;

йилнинг ҳар чорагида Агентликка санаторийларнинг фаолияти, соғломлаштиришнинг моддий-техника базаси тўғрисидаги ҳисботни тақдим этади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

10. Тиббиёт ходимлари таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Малака тоифаларини бериш (тасдиқлаш) белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Санаторийларнинг асосий фондларини қуриш, реконструкция қилиш, шунингдек мукаммал ва жорий таъмирлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Дам олувчиларни озиқ-овқат ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш нормалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Агентлик билан келишган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

3-боб. Санаторийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Санаторийлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

даволаш-профилактика муассасалари, соғлиқни сақлаш органларидан санаторийларнинг фаолияти учун зарур бўлган, шу жумладан дам олувчиларнинг касалликлари хусусияти ва кечиши тўғрисидаги маълумотларни олиш;

даволаш-профилактика муассасаларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга дам олувчиларнинг касалликлари профилактикаси ва уларни соғломлаштириш масалалари бўйича тавсиялар бериш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, ҳудудий бошқармалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига санаторийларнинг ишни яхшилаш, дам олувчиларнинг касалликлари профилактикаси ва уларни соғломлаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

санаторийлар ходимларининг қонуний манфаатларини белгиланган тартибда ҳимоя қилиш.

14. Санаторийлар ходимлари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, шу жумладан амалга ошириладиган даволаш-соғломлаштириш тадбирлари сифати учун жавоб беради.

15. Даволаш-соғломлаштириш муолажаларини ташкил этиш, амалга ошириладиган даволаш ва соғломлаштириш тадбирларининг сифати ва асосланганлиги юзасидан назорат қилиш санаторийларнинг бош врачлари томонидан амалга оширилади.

4-боб. Санаторийлар фаолиятини ташкил этиш

16. Санаторийга ишга қабул қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бош врач томонидан амалга оширилади.

17. Тиббий хизмат қўрсатиш ва соғломлаштириш санаторийларнинг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади, улар (маъмурият билан биргаликда) дам олувчиларнинг соғлиғи, овқатланиш режими ва сифати, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

18. Санаторийлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда пуллик хизматлар қўрсатиши мумкин.

Санаторийлар томонидан кўрсатилган жами пуллик хизматлар учун тушумларнинг 2 фоизи миқдоридаги маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади

19. Санаторийлар маъмуриятлари ўз ходимларининг билими ва касб маҳорати доимий равиша таомиллаштириб борилиши учун жавоб берадилар.

20. Санаторийлар ходимлари:

ушбу Низом талабларига ва ички меҳнат тартибига риоя қилишга, касб одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилишга;

дам олувчиларга тиббий-соғломлаштириш ёрдамининг, ижтимоий-психологик ва тиббий кузатувнинг юқори самарадорлигини таъминлашга;

ўз касбий билиммалакасини мунтазам равиша ошириб боришга мажбур.

Санаторийлар ходимлари:

ушбу Низомда ва санаторий уставида белгиланадиган тартибда санаторийни бошқаришда қатнашиш;

касб шаъни ва қадр-кимматини ҳимоя қилиш;

қонунчилик хужжатларида белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлардан фойдаланиш хукуқига эга.

21. Санаторийлар ходимлари ва раҳбарларининг лавозим хуқук ва мажбуриятлари қонунчилик хужжатларида, мазкур Низом, шунингдек санаторий уставида белгиланади.

5-боб. Санаторийларни бошқариш

22. Бош врач санаторийга бевосита раҳбарлик қиласи. Бош врачни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

23. Санаторийнинг бош врачи лавозимига олий тиббий маълумотга, ўз мутахассислиги бўйича ёки раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил иш стажига эга бўлган врач тайинланади.

24. Бош врач санаторий фаолиятини ташкил этади ва унга юкланган вазифалар бажарилиши учун жавоб беради.

25. Санаторийнинг бош врачи:

санаторийнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қиласи ва санаторийга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишларини ташкил этади;

санаторий фаолияти масалалари бўйича санаторийнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради, ходимларни ишга қабул қиласиди ва эгаллаб турган лавозимларидан озод қиласиди, ходимларни рағбатлантириш чораларини қўллайди;

санаторий иш тартиби ва режимини, ходимларнинг лавозим мажбуриятларини белгилайди ва мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

ходимлар томонидан молия ва меҳнат интизомига, ички меҳнат тартиби, ижро интизоми, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлайди;

санаторийнинг мулкий комплекси, моддий ва молиявий ресурслари, асбоб-ускуналари, анжомлари, бошқа моддий бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланишни, уларнинг сақланишини таъминлайди;

дам олувчиларнинг мурожаатлари жадал ва ҳар томонлама қўриб чиқилишини, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муносабат билдиришнинг зарур чоралари қўрилишини ва ариза берувчиларнинг улардан ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлайди;

санаторийлар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ва унинг ишлари рентабелли бўлишига эришиш учун шахсан жавоб беради.

6-боб. Молия-хўжалик фаолияти

26. Санаторийлар фаолиятини молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ажратиладиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

27. Санаторийлар белгиланган тартибда ташкилот томонидан тасдиқланган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

28. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

29. Штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Агентлик томонидан белгиланадиган намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади.

30. Санаторийлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган молия ва статистика ҳисботларини юритади.

31. Санаторийларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоида

32. Санаторийларни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “17” сентябрдаги575-сон қарорига
5-илова

Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда –Агентлик) Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатининг (кейинги ўринларда – пансионат) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Пансионат Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган 18 ёшдан бошлаб I ва II гурухлар ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасига мувофиқ уларни парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари ёки васийлари бўлмаган ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз яшовчи I гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар (кейинги ўринларда – васийликка олингандар) учун тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассасаси ҳисобланади.

3. Пансионат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентлик буйруқларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставига амал қиласди.

4. Пансионат Агентлик томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Пансионат тугатилганда Агентлик томонидан васийликка олингандарнинг белгиланган тартибда “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига ўтказилиши таъминланади.

5. Пансионатда васийликка олингандарга тиббий хизмат кўрсатиш сифати, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан назорат Агентлик ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

6. Агентлик пансионатнинг муассиси ҳисобланади.

Пансионатнинг устави Агентлик томонидан тасдиқланади.

7. Пансионат фаолияти Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади.

8. Пансионатдаги ўринлар сони Агентлик томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилинган ҳолда белгиланади.

9. Пансионат тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатадиган давлат тиббий-ижтимоий муассасаси сифатида давлат хизматлари марказида рўйхатидан ўтказилади.

2-боб. Пансионат фаолиятининг асосий вазифалари ва функциялари

10. Куйидагилар пансионатнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни соғломлаштириш ва қўллаб-куватлаш, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-хуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишиларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш;

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳар йили икки марта бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, санаторийларда соғломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари (эшлишиш аппаратлари, ногиронлиги бўлган шахслар аравачалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, юриш мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурларини ташкил этиш орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг юртимизнинг диққатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларига ташрифларини ташкил этиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш йўналишида барча “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ва “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига амалий-услубий ёрдам кўрсатувчи ташкилот сифатида соҳа ходимларининг амалиёт ўташини ташкил этиш.

11. Пансионат ўз зиммасига юкландын асосий вазифаларында мувофиқ равища күйидеги функцияларни бажаради:

а) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиши, уларни согломлаштириши ва қўллаб-қувватлаши, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишилари учун қулай шарт-шароитларни яратиш йўналишида:

васийликка олингандарнинг тиббий-ижтимоий таъминотини тўлиқ давлат томонидан амалга оширилишини таъминлайди;

васийликка олингандарга малакали мутахассислар томонидан ўз вақтида ва сифатли ижтимоий, майший ва маданий хизмат кўрсатилишини таъминлайди;

васийликка олингандарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва даволанишлари учун зарур шарт-шароитларни яратади;

Пансионатга бириктирилган тиббиёт муассасалари, ўрта, профессионал ва олий таълим муассасалари билан аниқ чора-тадбирлар асосида иш жараёнини ташкил этади;

б) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-хукуқий ҳимоясини таъминлаши йўналишида:

васийликка олингандарнинг хукуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқлари тўғрисидаги қонунчилик хужжатларининг ижросини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф қиласди ва Агентликка тегишли таклифлар киритиб боради;

в) ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий мослаштириши, уларга ўз қизиқишидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш йўналишида:

касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга оширади;

мунтазам илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш юзасидан Агентликка таклифлар киритади;

г) дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиши, соглиқни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни бепул ҳар йили икки марта чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, санаторийларда режали согломлаштириши ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиши йўналишида:

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиши таъминлашда муассасани биринчи тиббий ёрдам учун зарур дори воситалари ва малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлайди;

vasiylikka olinganlarни ҳар йили икки марта соғлиқни сақлаш тизимидағи бириктирилган муассасалар ва олий тиббий таълим муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда чукурлаштирилган тиббий күрікдан ўтказади;

тиббий күрсатмaga мувофиқ бепул амбулатор, стационар ва ихтисослашган тиббий ёрдам күрсатиш ва даволаш чораларини күради;

vasiylikka olinganlarни йилига бир марта санаторийларда соғломлаштириш тадбирларини амалга оширади;

д) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари (эшитиши аппаратлари, ногиронлиги бўлган шахслар аравачалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, юриши мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш йўналишида:

vasiylikka olinganlarни тиббий күрсаткичлар бўйича протез-ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлайди;

vasiylikka olinganlarни эҳтиёжга мувофиқ шахсий гигиена воситалари билан таъминлайди;

е) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириши йўналишида:

vasiylikka olinganlarга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни ривожлантиришга оид дастурлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

vasiylikka olinganlarга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган янги услуга ижтимоий технологияларни татбиқ этади ҳамда тегишли таклифларни Агентликка киритади;

ж) маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан концерт дастурлари ташкил этиши орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишиларини таъминлаш йўналишида:

Пансионатда мунтазам маданий-маърифий тадбирларни ташкил этади;

турли кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил этади ҳамда вasiylikka олинган шахслар иштироки орқали улар келажакка умид, интилишларини ортириш ҳамда вақтларини сермазмун ўтказишлари учун шарт-шароитлар яратади;

vasiylikka олинганлар учун Пансионатга бириктирилган халқ таълими, олий таълим муассасалари томонидан “икки авлод” учрашувларини ташкил этиш, улар билан турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказади;

з) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг юртимизда дикқатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларга ташрифларини ташкил этиши йўналишида:

саёхатга мўлжалланган автобусда васийликка олингандарни дикқатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳларга ташрифларини таъминлайди;

и) кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижстимоий хизмат кўрсатиши йўналишида барча “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига, “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига, “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйларига амалий-услубий ёрдам кўрсатувчи ташкилот сифатида соҳа ходимларининг амалиёт ўташини ташкил этиши йўналишида:

амалиёт ўтувчи “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига, “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига, “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйлари ходимлари учун зарур шарт-шароитларни яратади;

амалиёт ўтувчиларни режа асосида амалиёт ўташларини таъминлайди.

12. Пансионат қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда пуллик хизматлар кўрсатиши, жумладан, кундузги қатнов ҳамда интернат тизими (ҳафтасига 6 кунгача келиш) шаклида пуллик хизмат кўрсатиши мумкин.

Пансионат томонидан кўрсатилган жами пуллик хизматлар учун тушумларнинг 2 фоизи микдоридаги маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади.

3-боб. Пансионатга қабул қилиш

13. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган I ва II гуруҳлар ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобланган ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасига мувофиқ уларни парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари ёки васийлари бўлмаган ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз яшовчи I гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар қабул қилинади.

14. Қуйидагилар пансионатга қабул қилишга қарши кўрсатмалар ҳисобланади:

тез-тез, ҳар ойда 5 мартадан кўп тутқаноқ содир бўладиган эпилепсия, мунтазам тутқаноқларга, эпилептик мақомга, кун охирига бориб бўшашибувчаникка, дисфорияларга мойиллик;

беморнинг ўзи ва атрофидагилар учун хавфли бўлган мойилликнинг қўпол бузилишлари ва ахлоқий дағаллик билан бирга кечадиган руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;
ұтқир юқумли касалликлар;
салбий жараёндаги ёмон ҳолатда үтадиган шиш касалликлари
ва рецидивлари;
таносил касалликлари.

Пансионатга қабул қилиш чоғида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма топилған шахслар ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига юборилади.

15. Пансионатга қабул қилиш, шунингдек ундан күчириш Агентликнинг Васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга юбориш, шунингдек биридан иккинчисига үтказиш (күчириш) бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссияси (кейинги ўринларда – Маҳсус комиссия) қарорига мувофиқ пансионатнинг директори буйруги асосида амалга оширилади.

Маҳсус комиссия таркиби камидаги 5 нафар аъзодан, шу жумладан Маҳсус комиссия раиси ва котибидан иборат бўлади.

Маҳсус комиссия ҳудудий бошқармаларнинг васийликка олинувчиларни тиббий-ижтимоий муассасаларга расмийлаштириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштириб боради.

Пансионатга расмийлаштириш учун тақдим этилган хужжатларнинг ҳаққонийлиги юзасидан масъулият ҳудудий бошқарма бошликларига юкланди.

16. Ҳудудий бошқармаларда бошқарма бошлиғи буйруғи билан тиббий-ижтимоий муассасаларга васийликка олинувчиларни расмийлаштириш учун тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чиқиш бўйича ишчи гурӯҳ (кейинги ўринларда – ишчи гурӯҳ) ташкил этилади.

Пансионатда расмийлаштириладиган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлим) бошлиғи номига берилган аризаси асосида ҳудудий бўлим васийликка олинувчилар хужжатларининг тўлиқлигини текшириб, уларни ҳар бир васийликка олинувчи бўйича алоҳида жилдларга жойлаштирган ҳолда хужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун ичida ҳудудий бошқармаларга юборади.

Ишчи гурӯҳ камидаги 5 нафар аъзодан – ҳудудий бўлим бошлиғи раислигида, шифокор-психиатр ва маҳаллий интернат уйларининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарларидан иборат таркибда тузилади.

Ҳудудий бўлимлар томонидан куйидаги маълумотлар “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали олинади:

пансионатга расмийлаштирилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжат;

пенсия гувоҳномасининг (мавжуд бўлса);

хизмат кўрсатганлиги тўғрисидаги хужжатлар (мавжуд бўлганда);

расмийлаштирилаётган шахсга ногиронлик белгиланган тақдирда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома;

белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган соғлиқнинг ҳолати тўғрисидаги тиббий хужжатлар;

туман (шаҳар) ҳокимининг ёлғиз шахс сифатида ҳисобга олиш тўғрисидаги қарори нусхаси;

пансионатга расмийлаштирилаётган шахснинг 2 дона (6 см x 4 см ҳажмли) фотосурати.

17. Пансионатга қабул қилинаётган ҳар бир шахс учун шахсий хужжатлар йиғмажилди юритилади, унга мазкур Низомда 16-бандида кўрсатиб ўтилган хужжатлар тикиб қўйилади.

Васийликка олинганларнинг шахсий хужжатлар йиғмажиллари пансионат директорида сақланади.

18. Пансионатда яшовчиларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларни парвариш қилиш ва ижтимоий-мехнат реабилитацияси тадбирларини амалга ошириш мақсадида улар сақлаш режимига (ўрин-тўшаклар, кузатиш, сақлашнинг эркин тартиби), соғлиғи, ёши ва шахсий хоҳиши ҳисобга олинган ҳолда алоҳида бўлимлар ва хоналар бўйича жойлаштирилади.

4-боб. Пансионатда васийликка олинганларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

19. Пансионатда васийликка олинганларнинг тиббий-ижтимоий таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

20. Пансионатдаги васийликка олинганлар белгиланган тартибда куйидагилар билан таъминланади:

инсон шаъни ва қадр - қимматини камситмайдиган инсоний муносабатда бўлиш;

қариндошлар, танишлар ва дўстлари билан телефон орқали сўзлашувлар йўли билан алоқа боғлаш, бошқа алоқа воситалари

ва учрашувлар орқали мулоқотда бўлиш, жўнатмалар, бандероллар, буюмлар олиш, хат ва телеграммаларни олиш ва жўнатиш имконияти;

бепул овқат, кийим-кечак, пойабзal, шахсий гигиена воситалари ҳамда ашёвий таъминлашнинг бошқа буюмларини ва тасдиқланган меъёрлар бўйича юмшоқ анжомлар олиш;

бепул тиббий ёрдам, жумладан ихтисослашган тиббий ёрдам олиш;

пансионатда ўтказиладиган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, шу жумладан концерт дастурларида иштирок этиш;

пансионат томонидан уюштирилган республикамиздаги дикқатга сазовор жойларга ва зиёратгоҳларга ташрифларда иштирок этиш;

карантин шароитларида яқинлари билан онлайн мулоқот қилиш имконияти.

Эҳтиёж бўлганда васийликка олингандар протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан бепул таъминланадилар.

Васийликка олингандарга пенсия ва нафақалар тўлаш қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Васийликка олингандар Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларининг, пансионат раҳбари ва ходимларининг қарорлари ва хатти-харакатлари (харакатсизлиги) юзасидан шикоят билдириш хуқуқига эга.

22. Васийликка олингандарга тиббий ёрдам кўрсатиш пансионатнинг штатдаги тиббиёт ходимлари томонидан, тиббий кўрсатмага мувофиқ тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан таъминланади.

Васийликка олингандарни соғлиғи ҳолати ёмонлашганда ёки у вафот этганда маъмурият бу ҳақда унинг қариндошларини, танишлари ва дўстларини зудлик билан хабардор қиласи.

23. Вафот этган васийликка олингандарни дафн этиш билан боғлиқ харажатлар пансионатнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг, қариндошларининг ҳомийлик хайриялари ҳисобига амалга оширилади.

24. Васийликка олингандарни пансионат ҳудудидан ташқарига чиқиши фақат пансионат раҳбариятининг рухсати билан амалга оширилади.

Васийликка олингандарни ўзбошимчалик билан пансионат ташқарисига чиқсан тақдирда маъмурият зудлик билан бу ҳақда ички ишлар органларига, Агентликнинг тегишли ҳудудий бошқармаларига хабар қиласи.

25. Васийликка олингандарни қариндошлари, танишлари ва дўстлари улар билан кўришиб туриш хуқуқига эга.

26. Васийликка олингандарни овқат, кийим - бош, пойабзal, ашёвий таъминотнинг бошқа буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш

нормалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Агентлик томонидан белгиланади.

27. Пансионат йилнинг ҳар чорагида Агентликка васийликка олинганлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

28. Васийликка олинган шахсларни пансионатдан чиқариш:

Тошкент шаҳар худудий бошқарма бошлиғининг рухсати билан.

турад жой майдони, яшаш учун маблағлар ва ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда ёки васийликка олинганни таъминлаш ва зарур даражада парвариш қилиш имкониятига эга бўлган қариндошларнинг илтимосига кўра, шунингдек навбатдаги тиббий қўриқдан ўтказишида III гурух ногиронлиги белгиланганда (мехнат бўйича тавсиялар мавжуд бўлганда) амалга оширилади.

29. Пансионатдан чиқаришда васийликка олинганга кўйидаги ҳужжатлар берилади:

пансионатда бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома;

соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотнома (тиббий ҳужжатлар);

хизмат кўрсатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (мавжуд бўлганда).

30. Пансионат директори васийликка олинганларни пансионатга қабул қилиш ва улардан чиқариш учун ушбу Низом талабларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

5-боб. Ижтимоий-психологик кузатувни ташкил этиш

31. Висийликка олинганларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида пансионатда тиббий-психологик комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) ташкил этилади. Комиссия пансионатнинг мутахассис ходимларидан иборат бўлади. Комиссия таркиби пансионат директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Комиссия таркибига комиссияни бошқарадиган пансионатнинг директори, пансионат директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, шифокор-психиатр киритилади.

32. Комиссия висийликка олинганларни доимий ижтимоий-психологик кузатувини пансионат директори томонидан тасдиқланган ижтимоий-психологик кузатув дастури асосида амалга оширади.

Комиссия қўйидаги вазифаларни бажаради:

васийликка олинганларнинг тиббий абилитация ва реабилитация жараёнларини кузатиш ва зарур коррекцион ишларни ташкил этиш;

васийликка олинганларнинг ижтимоий ҳамда психологик мослашувчанлигини ўрганиш ва тегишли тавсиялар бериш;

комиссия васийликка олингандарнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ташхис, психологик-профилактик, коррекция, маслаҳат ва реабилитация ишларини амалга ошириш.

тиббий-ижтимоий-психологик муаммоларни аниқлаш;

ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини амалга ошириш.

6-боб. Пансионат фаолиятини ташкил этиш

33. Ходимларни ишга қабул қилиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Тиббий хизмат кўрсатиш пансионатнинг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади, улар (маъмурият билан бир қаторда) васийликка олингандарнинг соғлиғи, овқатланиш режими ва сифати, даволаш-профилактика тадбирларининг ўтказилиши ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши учун жавоб берадилар. Пансионатда даволаш-маслаҳат ёрдами ва ўтказилган даволаш-профилактика тадбирларини таҳлил қилиш Агентликнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда Санитария-эпидемиология хизмати томонидан амалга оширилади.

35. Пансионат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш-реконструкция ишлари, тиббий-ижтимоий хизмат ҳамда психологик таъминот Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бу ишларни амалга оширишда “Муруват” ва “Саховат” интернат уйлари фаолиятини қўллаб қувватлаш республика васийлик кенгаши (кейинги ўринларда – Вассийлик кенгаши) Агентликка услубий-амалий ёрдам кўрсатади.

36. Пансионат маъмурияти пансионат мутахассис ходимларининг касб маҳорати доимий такомиллаштириб борилиши учун жавоб беради.

37. Пансионат ходимлари қуйидаги хуқукларга эга:

касб шаънини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

бириклирлган соҳлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиш;

тиббиёт ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи таълим муассасалари ва тиббиёт марказларида бепул малака ошириш;

қонунчилик хужжатларида белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга эга бўлиш.

38. Пансионатнинг ходимлари қуйидагиларга мажбур:

ушбу Низом нормаларига ва ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилиш, касбий одоб-ахлоқ нормаларига қатъий амал қилиш;

васийликка олингандарга тиббий-ижтимоий ёрдамнинг, ижтимоий-психологик ва тиббий кузатиб боришининг юқори самарадорлигини таъминлаш;

ўз касб малакасини мунтазам ошириб бориш;

Пансионатнинг ходимлари қуидаги ҳуқуқларга эга:

пансионатни бошқаришда мазкур Низомда кўрсатиб ўтилган тартибда қатнашиш;

касб шаънини ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга эга бўлиш.

39. Пансионат ходимлари ва раҳбарларининг лавозим мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, ушбу Низом билан белгиланади.

7-боб. Пансионатни бошқариш

40. Пансионатни бошқариш демократия, ошкоралик ва пансионат жамоасининг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари асосида амалга оширилади.

41. Пансионатга бевосита раҳбарликни олий маълумотга эга бўлган директор амалга оширади. Директорни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги тавсиясига кўра “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйлари фаолиятини қўллаб қувватлаш Республика васийлик кенгashi билан келишган ҳолда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Агентлик директори томонидан амалга оширилади.

42. Директор пансионатда тиббий-ижтимоий ёрдам ҳамда майший хизматнинг ҳолати учун тўлиқ жавоб беради.

43. Пансионат директори:

пансионат номидан иш кўради ва унинг манфаатларини ифодалайди;

пансионат ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди ва ўз зиммасига юклangan вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

қонунчилик ҳужжатларида ва пансионат уставида белгиланган тартибда пансионат мол-мулкини тасарруф этади ва шартномалар тузади;

директор ўринbosарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида пансионатнинг барча ходимлари ва васийликка олинганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

пансионатнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва пансионат фаолиятининг бошқа масалалари бўйича тегишли органларга кўриб чиқиш учун таклифлар киритади ҳамда ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

тегишли буйруқ чиқариш ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар йўли билан рағбатлантириш ва интизомий танбех бериш чораларини қўллайди;

мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган пансионатнинг белгиланган вазифа ва функцияларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

44. Пансионатнинг маъмурияти пансионатда яшайдиган васийликка олинганлар томонидан жамоатчилик асосида ҳамда пансионат директори томонидан тасдиқланадиган амалдаги низомлар асосида фаолият юритадиган маданий-маиший комиссия, жамоатчилик кенгаши ёрдамида майший ва маданий хизматлар кўрсатилишини ташкил этади:

пансионатда яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун кутубхона фаолиятини ташкил этиш ва уни зарур ресурслар билан бойитиб бориш;

пансионатда маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумландан концерт дастурлари, ташкил этиш орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган янги услугуб ва ижтимоий технологияларни татбиқ этиб бориш;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга сифатли ижтимоий, майший, маданий ва тиббий хизматларни кўрсатиш;

белгиланган тартибда муентазам равишда пансионатдаги кексаларнинг республикамиздаги диққатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларига ташрифларини уюштириш;

концерт дастурлари, маънавий-маърифий, маданий тадбирлар йил давомида ўтказиб борилиши юзасидан тасдиқланган режа-жадвал асосида ишни ташкил этиш;

васийликка олинган шахсларнинг пансионат фаолиятидан норози бўлган тақдирда ҳамда пансионатда 3 мартадан ортиқ ички тартиб қоидаларига риоя этмасдан, қолган яшовчилар тинчлигини бузиш ҳолатларини юзага келтирган шахслар бўйича пансионат майший-маданий

комиссия хулосасига асосан уларни бошқа “Саховат” интернат уйига ўтказиш юзасидан таклиф киритиши.

45. Пансионатда васийликка олинганларни таъминлашнинг қуийдагиларни назарда тутувчи маҳсус шарт-шароитлари таъминланади:

худудни ҳимоя қилиш;

васийликка олинганларни ҳам бир-бирларининг, ҳам атрофдагиларнинг салбий таъсиридан юқори даражада ҳимоя қилиш;

унинг ҳудудидан ташқарига эркин чиқиши чеклаш;

васийликка олинганларни сутка давомида, шу жумладан ухлаш учун ажратилган вақтда ҳам назорат қилиш.

8-боб. Молия-хўжалик фаолияти

46. Пансионатнинг хоналарини жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш техника хавфсизлиги қоидаларига ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга оширилади.

47. Пансионат фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

48. Пансионат белгиланган тартибда ташкилот томонидан тасдиқланган ва тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

49. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

50. Штатлар жадвали Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланадиган намунавий штатларга мувофиқ тасдиқланади.

51. Пансионат қонунчилик хужжатларида белгиланган молия ва статистика ҳисботларини юритади.

52. Пансионатнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

9-боб. Яқунловчи қоида

53. Пансионатларни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “17” сентябрдаги 575-сон қарорига
6-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”
2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Қуидагилар Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий мослаштириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор методикаларини ўрганиш ҳамда амалиётга татбик этиш;

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга ўз қизиқишиларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда кенг миқёсда олдини олиш-профилактика ишларини ташкил қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш”.

2. 3-банднинг тўртинчи хатбошида “Соғлиқни сақлаш вазирига” сўzlари “Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорига” сўzlари билан алмаштирилсин.

3. 4-бандда “Соғлиқни сақлаш вазири” сўzlари “Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори” сўzlари билан алмаштирилсин.

4. 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. 2-илова (Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази тўғрисидаги низом)нинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази тўғрисида НИЗОМ”

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) мақоми, фаолиятининг асосий тамойиллари, вазифалари ва функциялари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимида одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича реабилитация ташкилоти ҳисобланади.

3. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

4. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Агентликнинг буйруқларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз Уставига амал қиласди.

5. Марказ Агентлик билан келишган ҳолда ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин ҳамда улар Марказ хизматларидан фойдаланувчилар ҳисобланади.

7. Марказ ўз фаолиятини қуидаги асосий тамойиллар асосида амалга оширади:

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг шахси ва шахсий ҳаёти маҳфийлигига риоя қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий, психологик ва ҳукуқий жихатдан қўллаб-куватлаш ҳамда якка тартибда парвариш қилиш.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий мослаштириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор методикаларини ўрганиш ҳамда амалиётга татбик этиш;

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга уларнинг қизиқишиларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда кенг миқёсда олдини олиш-профилактика ишларини ташкил қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш.

9. Марказ зиммасига юкланган асосий вазифаларига мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

а) одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни қулай яшаши ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаши соҳасида:

яшаш учун бошпана билан таъминлайди;

белгиланган тартибда ва меъёрларга мувофиқ озиқ-овқат билан таъминлайди;

белгиланган тартибда тиббий ёрдам ва тиббий буюмлар билан таъминлайди;

б) одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий мослаштириши соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор методикаларини ўрганиши ҳамда амалиётга татбик этиши соҳасида:

тиббий, ижтимоий реабилитация қилишнинг янги услуг ва механизmlарини ишлаб чиқади ва татбик қиласди;

ишлаб чиқилган услуг ва механизmlарини хорижий мамлакатларнинг илғор методикалари асосида доимий равишда янгилайди;

в) одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга уларнинг қизиқишиларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиши соҳасида:

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг ижтимоий реабилитациясига ва мослашувига кўмаклашади;

касбга ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлашни ташкиллаштиради;

г) нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда кенг миқёсда олдини олиш-профилактика ишларини ташкил қилиши соҳасида:

оммавий ахборот воситалари билан биргаликда кенг миқёсда олдини олиш-профилактика ишларини ташкил қиласди;

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

д) одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий реабилитация қилишида кўмаклашиши соҳасида:

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг хавфсизлигини таъминлайди;

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг қариндошлари билан мулоқот ўрнатишига кўмаклашади;

одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга уларнинг қариндошларига ва васийларига одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот беради.

3-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

10. Марказ одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга комплекс хизматлар кўрсатади.

11. Марказ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда пуллик хизматлар кўрсатиши мумкин.

Марказ томонидан кўрсатилган жами пуллик хизматлар учун тушумларнинг 2 фоизи микдоридаги маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади.

12. Одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни Марказга жойлаштириш одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг ўз хоҳиши ҳамда Марказ директори, ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари томонидан қабул қилинган қўшма қарор асосида амалга оширилади.

13. Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар Марказда ўттиз кунгача муддатга жойлаштирилади.

Тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация жараёнлари давом эттирилиши талаб этилган ҳолларда одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг Марказда бўлиши муддати уч ойгача муддатга узайтирилиши мумкин. Агар одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилса яшаш муддати кўрсатиб ўтилган жабрдийдаларни ҳимоя қилиш учун зарур деб ҳисобланган даврга узайтирилади.

14. Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар Марказни уларнинг шахсан ёзма мурожаатларига мувофиқ ўз хоҳиши билан тарк этиш хуқуқига эга.

15. Марказда одам савдосидан жабрланганлари, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлари бўлган эркаклар ва аёллар, шунингдек болалар алоҳида-алоҳида жойлаштирилади.

16. Марказ одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга:

самарали ижтимоий реабилитация қилинишига кўмаклашади;
хуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот тақдим этади;
хавфсизлигини таъминлайди;
овқатланиш, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлайди;
кулай яшаш шароитлари ва шахсий гигиена воситалари билан таъминлайди;
қариндошлари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашади;
одам савдоси жабрдийдалари ижтимоий реабилитация қилинишига кўмаклашади.

17. Одам савдосининг ҳар бир жабрдийдасига унинг соғлиғи ҳолатини комплекс текшириб чиқиши ва баҳолаш натижалари, ижтимоий, психологик, юридик ва бошқа ёрдам зарурлиги юзасидан ишлаб чиқиладиган шахсий реабилитация қилиш режаси асосида ёрдам кўрсатилади. Ҳар бир одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларининг шахсий реабилитация қилиш режасининг намунавий шакли Марказ томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Агентлик томонидан тасдиқланади.

18. Марказ ёки реабилитация қилишда қатнашувчи бошқа ташкилотларнинг мутахассислари, Марказ директори, ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари томонидан қабул қилинган қўшма қарор асосида реабилитация жараёнида одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга тиббий, ижтимоий, психологик, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш юзасидан реабилитация жараёнига тузатиш киритиш мақсадида ҳар бир шахсни реабилитация қилиш режасига тегишли ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Реабилитация чора-тадбирлари бажарилгандан кейин Марказ раҳбарияти томонидан мутасадди врач билан бирғалиқда ҳар бир шахсни реабилитация қилиш режасига мувофиқ амалга оширилган реабилитация натижалари баҳоланади.

19. Тиббий кўрсатмага мувофиқ Марказ одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни даволаш-профилактика муассасаларига, шу жумладан ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига белгиланган тартибда диагностика, даволаш-маслаҳат ёрдами кўрсатиш, шунингдек (атрофдагилар учун хавф туғдирадиган наркология, психиатрия, дерматовенерология, сил, юқумли касалликлар ва бошқалар бўйича) стационар тиббий ёрдам кўрсатиш учун юборади.

Марказ раҳбарияти даволаш-профилактика муассасаларига одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни асосланган равища юборилиши учун шахсан жавоб беради.

20. Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар реабилитация марказида бўлган даврда уларга, агар бу одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар манфаатларига зид бўлмаса, яқин қариндошлари, қонуний вакиллари билан муносабатлар ўрнатиш ва уларни сақлаб туриш учун зарур шарт-шароитлари таъминланади.

21. Одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни Марказдан чиқаришга тайёрлаш ички ишлар органлари, васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда Марказнинг масъул ходими кузатуви остида амалга оширилади.

22. Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар Марказдан чиқарилгандан кейин нормал турмуш тарзига тўлиқ қайтгунларига қадар юридик маслаҳат олиш, тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича Марказ хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

23. Одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий реабилитация қилиш ички ишлар органлари, васийлик ва ҳомийлик органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бўлинмалари билан ҳамкорликда Марказ томонидан таъминланади.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Агентликнинг ҳудудий органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари Марказнинг буюртманомалари бўйича одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга:

хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи мавжуд суд тартиб-қоидалари ва маъмурий тартиб-қоидалар тўғрисида

мақбул шаклдаги ахборотни тақдим этадилар ва бошқа зарур юридик ёрдамни күрсатадилар;

унинг фарзандлари таълим муассасалариға қатнашини учун зарур шароитларни таъминлайдилар;

тиббий қўрикдан ўтиш ва мутахассис томонидан қўрик ўтказилиб, маслаҳат олиш орқали малакали психологик ва тиббий ёрдам берадилар;

профессионал жиҳатдан реабилитация қилинишда ва ишга жойлашишда кўмаклашадилар.

25. Одам савdosидан жабрланганлар, одам савdosидан жабрланган деб таҳмин қилинаётганлар қайтарилган оила устидан, уларга нисбатан одам савdosи тақроран содир этилишининг олдини олиш мақсадида, бир йил мобайнида мониторинг олиб борилиши керак. Мониторинг доирасида Марказ ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари мутахассислари томонидан шахс қайтгандан кейин унинг оиласидаги ҳолати баҳоланади.

4-боб. Марказни бошқариш

26. Марказ директори Агентлик директори томонидан Одам савdosига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

27. Марказ директори:

Марказнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қиласида ва Марказга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ходимларнинг штат жадвалини, уларни моддий рафбатлантириш ва тақдирлаш миқдори ва шаклларини тасдиқлайди, таклиф этиладиган мутахассисларга ҳақ тўлаш миқдорларини белгилайди;

Марказ ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қиласида;

қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ Марказ ходимларининг узлуксиз билимларини ошириб бориши ва мунтазам равишда тиббий қўрикдан ўтишини таъминлайди;

ҳар йил якунлари бўйича Комиссияга Марказнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

Марказнинг жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

28. Агентлик директори Марказнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқига эга.

5-боб. Молия-хўжалик фаолияти

29. Қуидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

30. Марказнинг мол-мулкини асосий фонdlар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар), айланма маблағлар, шунингдек қиймати Марказнинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа мол-мулк ташкил этади.

31. Марказ белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисботларини тегишли органларга тақдим этади.

32. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

33. Марказнинг ходимлари одам савдоси жабрдийдалари тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинганлиги учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

34. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш белгиланган тартибда амалга оширилади.”

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “17” сентябрдаги 575сон қарорига
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 23 августдаги 240-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2011 й., 34–35-сон, 348-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйлар ҳамда бошқа тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 17 октябрдаги 347-сон қарорининг 3-банди ва қарорга илова (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2016 й., 42-сон, 486-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритиши тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора -тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3024-сон қарори)” 2017 йил 29 августдаги 679-сон қарорига илованинг 16-банди (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2017 й., 35-сон, 931-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон қарори)” 2017 йил 8 сентябрдаги 703-сон қарори 3-банди (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2017 й., 37-сон, 990-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 24 октябрдаги ПҚ-3352-сон қарори)” 2018 йил 22 январдаги 39-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 23 августдаги 240-сон қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 30 июлдаги 597-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 23 августдаги 240-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 4 сентябрдаги 729-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мехнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 107-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон қарори)” 2020 йил 7 июлдаги 429-сон қарорига 1-илованинг 10-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 11-банди.

